

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТҮПЛАМИ

3-сон
(191)
2006 й.
январь

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонуналари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

12. «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари харакатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 январдаги ПК-262-сон қарори

Учинчи бўлим

13. «Осиё тараққиёт банки иштирокида «Гулистон, Жиззах ва Қарши шаҳарлари»нинг сув таъминоти тизимини такомиллаштириш» лойиҳасини амалга ошириш нинг айrim масалалари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 17 январдаги 6-сон қарори

Бешинчи бўлим

14. «Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларини тасарруф этиш учун тиббиёт муассасаларидаги маҳсус ко-

миссиялар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2005 йил 31 декабрдаги 06-3/440, 11/5132, 109-сон қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 14 январда 1536-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)

15. «Тиббиёт муассасаларини моддий рафбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2005 йил 31 декабрдаги 06-3/436, 5083, 107-сон қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 14 январда 1537-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)
16. «Тиббиёт муассасалари раҳбар ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлашда соғлиқни сақлаш муассасаларини турларга ажратиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2005 йил 31 декабрдаги 06-3/439, 11/5112, 108-сон қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 14 январда 1538-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)
17. «Номоддий активларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2005 йил 14 декабрдаги 105-сон буйруғи. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 14 январда 1539-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)
18. «Юридик ва жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси худудига олиб кириладиган алоҳида турдаги товарлар учун акциз солиги тўлаш тартиби тўғрисидаги ўёрикномага ўзгартеришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2006 йил 4 январдаги 1, 01-02/8-24-сон қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 18 январда 1101-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)
19. «Раҳбар ва педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Вазирлар Мажкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2005 йил 30 декабрдаги 106, 43, 01-356-сон қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 18 январда 1540-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)
20. «Халқ таълими ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Вазирлар Мажкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2005 йил 30 декабрдаги 105, 42, 01-357-сон қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 18 январда 1541-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)
21. «Акциядорлик жамиятлари акцияларини чиқариш, чиқаришни давлат рўйхатидан ўтказиш ва бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартериш ва қўшим-

чалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини муфовиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2005 йил 16 декабрдаги 2005-17-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 20 январда 1159-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2006 йил 14 январдан 20 январгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

12 «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари харакатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти фаолиятини ташкил этиш түғрисида

«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари харакатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти фаолиятининг самарали ташкил этилишини таъминлаш мақсадида:

1. «Тошшаҳартрансхизмат» йўловчилар ташиш уюшмаси, «Тошавтобустранс» акциядорлик компанияси, «Тошэлектротранс» давлат компанияси, «Тошпасремсервис» акциядорлик компанияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари харакатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти ижроия аппарати тузилмаси, шунингдек ходимлари умумий чекланган сони, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 1—5-иловаларга* мувофиқ маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси, «Тошавтобустранс» ва «Тошпасремсервис» акциядорлик компаниялари низомлари ни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказсин.

2. «Тошшаҳарйўловчitrans» акциядорлик компаниясини тугатиш бўйича комиссия таркиби 6-иловага** мувофиқ тасдиқлансан.

Тугатиш комиссияси икки ой муддатда белгиланган тартибда «Тошшаҳарйўловчitrans» акциядорлик компаниясини тугатиш ишларини амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда «Тошавтобустранс» акциядорлик компанияси, «Тошэлектротранс» давлат компанияси, «Тошпасремсервис» акциядорлик компанияси устав фондини улар таркибига кирувчи корхоналар мулкидаги давлат улуши қиймати хисобига шакллантирсан.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Тошкент шаҳар бўйича автомобиль транспортида йўловчилар ташишни лицензиялаш, шунингдек лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари харакатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти томонидан амалга оширилади;

Тошкент шаҳрида автобуслар ва микроавтобусларда йўловчиларни мунтазам (йўналишлар бўйича) ташиш тадбиркорлик субъектлари-юридик шахслар, шу жумладан хусусий юридик шахслар томонидан фақат Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари харакатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти билан тузилган контрактлар асосида тендер савдолари натижаларига кўра амалга оширилади;

2006 йил 1 марта бошлиб йўловчилар метрополитенда йўл ҳаки тўловини

* 1—5-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

** 6-илова берилмайди.

метрополитен станциялари кассаларида сотиладиган махсус жетонлар ёки магнит карточкалар орқали амалга оширади, айни вактда айрим тоифадаги фуқароларнинг қонунчиликда белгиланган ушбу транспорт туридан имтиёзли фойдаланиш хукуки саклаб колинади.

5. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмасининг хар бир транспорт ташкилотида йиллик харажатлар умумий ҳажмининг 5 фоизи микдори доирасида Рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасини (кейинги матнларда Жамғарма деб аталади) ташкил қилиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилансинки:

Жамғарманинг даромадлари иш ҳақи фондини тежаш, йўловчиларни ташишдан тушадиган даромадлар бўйича белгиланган прогнозни ортиғи билан бажариш туфайли хосил бўладиган маблағлар, асосий бўлмаган хўжалик фаолияти ва қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар хисобига шакллантирилади;

Жамғарма маблағларини тасарруф этиш учун тегишли корхона раҳбари бошчилигига ва касаба уюшмаси ташкилоти вакиллари иштирокида хар бир транспорт корхонаси ҳузурида махсус Кенгашлар тузилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси бир ой муддатда транспорт корхонаси ҳайдовчиларини рағбатлантириш ва моддий-техник ривожлантириш маблағларидан фойдаланиш нисбатини аниқлаган ҳолда Рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомни, шунингдек Уюшма ва унинг таркибиға кирувчи корхоналар ходимларининг иш ҳақи тўғрисидаги низомни тасдиқласинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда:

7-иловага* мувофиқ болалар соғломлаштириш оромгоҳларини Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгashi тасарруфига ўтказсин;

Тошкент шаҳар, Амир Темур кўчаси, 6-йда жойлашган бино (мулк ва жихозлар)ни «Тошшаҳар йўловчitrans» акциядорлик компанияси балансидан «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси балансига ўтказсин ва мазкур бинога Уюшманинг, «Тошавтобустранс» акциядорлик компанияси, «Тошэлектротранс» давлат компанияси ва «Тошпасремсервис» акциядорлик компаниясининг ижроия аппарати жойлаштирилсин.

Мазкур қарорга мувофиқ, «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмасининг балансдан балансга ўтказиладиган асосий воситалари қиймати даромад (фойда) ва қўшилган қиймат солиқлари солиши объекти хисобланмайди.

8. Шаҳар йўловчи транспортининг узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида:

ушбу қарор 2006 йилнинг 20 февралидан амалга киритилсин;

Вазирлар Маҳкамасининг Коммунал соҳа, транспорт, капитал курилиш ва қурилиш индустряси масалалари комплекси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрида йўловчи транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2006 йил 11 январдаги ПФ-3713-сон Фармонига ва ушбу қарорга қатъий амал қилган ҳолда жамоат транспортини бошқаришнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этишга, шунингдек транспорт хизмати жараёни қатнашчиларининг аниқ ишлаши ва хамкорлик қилишига йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга оширсинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир хафта муддатда Йўлов-

* 7-илова берилмайди.

чи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти фаолияти, шунингдек Тошкент шаҳрида йўловчилар ташиш бозорини тартибга солиш билан боғлиқ норматив ҳужжатлар тасдиқланишини ҳисобга олган ҳолда ушбу қарор бажарилишини ташкил этиш бўйича қарор қабул қиласин.

10. Ўзбекистон Республикасининг баъзи қонун ҳужжатларига 8-иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсан.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 18 январь,
ПҚ-262-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2006 йил 18 январдаги
ПҚ-262-сон қарорига
8-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикасининг баъзи қонун ҳужжатларига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун руҳсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-коидаларини соддалаштириш тўғрисида»ги 2005 йил 21 сентябрдаги ПҚ-186-сон қарорига 2-илова жадвалидаги «Лицензия берувчи орган» графасининг 4-банди «Тошкент шаҳар хокимилиги Йўловчи транспортининг барча турлари (Тошкент шаҳри бўйича) ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. Вазирлар Махкамасининг «Транспорт соҳасидаги фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги 2003 йил 21 августандаги 360-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2003 йил, 8-сон, 73-модда) 5-иловасининг 1-банди мазмуни куйидагича хатбоши билан тўлдирилсан:

«Ушбу Низомнинг амал қилиши Тошкент шаҳри бўйича автомобил транспортида йўловчилар ташиш фаолиятини лицензиялашга нисбатан тадбиқ этилмайди».

УЧИНЧИ БҮЛİM

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

13 Осиё тараққиёт банки иштирокида «Гулистон, Жиззах ва Қарши шаҳарларининг сув таъминоти тизимини такомиллаштириш» лойиҳасини амалга оширишнинг айрим масалалари тўғрисида

Осиё тараққиёт банки иштирокида «Гулистон, Жиззах ва Қарши шаҳарларининг сув таъминоти тизимини такомиллаштириш» лойиҳасини самарали ва ўз вактида амалга оширишни таъминлаш, шунингдек уни биргаликда молиялаштириш бўйича мажбуриятларни бажариш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Осиё тараққиёт банки иштирокида «Гулистон, Жиззах ва Қарши шаҳарларининг сув таъминоти тизимини такомиллаштириш» лойиҳасини амалга ошириш бўйича Мувофиқлаштириш кенгашининг янгиланган таркиби иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Осиё тараққиёт банки иштирокида «Гулистон, Жиззах ва Қарши шаҳарларининг сув таъминоти тизимини такомиллаштириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 26 мартағи 98-сон қарорига куйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

а) 4-банднинг учинчи хатбоши ва қарорга 2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 7-банд куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги 2006-2007 йилларга инвестиция дастурларини шакллантиришда Лойиҳани молиялаштиришда Ўзбекистон Республикасининг етмаган улушкини қоплаш учун марказлаштирилган капитал қўйилмаларнинг ҳар йилги умумий лимити доирасида маблағларни назарда тутсинглар».

в) 9-банд куйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«9. Ўзбекистон Республикаси Хукумати ва Осиё тараққиёт банки ўртасида эришилган келишувга, Ўзбекистон Республикасининг Солик ва Божхона кодексларига мувофиқ Лойиҳа доирасида инвестиция даври мобайнода бевосита етказиб берувчилар ва пудратчилардан харид қилинадиган товарлар (бажариладиган ишлар, хизматлар) Хукуматнинг Лойиҳани амалга оширишдаги улushi сифатида солик тўловлари, давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар ва божхона тўловлари (ягона ижтимоий тўлов ва божхонада расмийлаштириш учун йифимлар бундан мустасно) тўлашдан озод қилиниши маълумот учун қабул қилинсин.

Бунда Лойиҳани амалга ошириш доирасида пудратчилар 2008 йил 1 январгача бўлган даврда буюртмачи тўлаши учун тақдим қилинадиган бажарилган ишлар ҳажмига, истисно тарикасида, қўшилган қиймат солиғининг нул ставкасини қўллайдилар.

«Ўзкоммунхизмат» агентлиги Лойиҳани амалга оширишда, шу жумладан Лойиҳа

* Илова берилмайди.

доирасида қўлланган солик имтиёзлари ва афзалликлари ҳисобига Ҳукумат улуши-
нинг қатъий ҳисоби юритилишини таъминласин».

3. Қўйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Республика комиссиялари ва кенгашлари таркиби-
ни тасдиқлаш тўғрисида» 2004 йил 26 июлдаги 358-сон қарорига 10-илова;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарор-
ларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш ҳамда баъзиларига ўзгартиришлар кири-
тиш тўғрисида» 2005 йил 22 февралдаги 73-сон қарорига (Ўзбекистон Республика-
си КТ, 2005 й., 2-сон, 13-модда) 2-илова 36-бандининг еттинчи хатбоши;

Вазирлар Маҳкамасининг «Айрим республика комиссиялари ва кенгашлари
таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2005 йил 7 ноябрдаги 244-сон қаро-
рига 1-илова 10-бандининг олтинчи хатбоши ўз кучини йўқотган деб хисоблансан.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси
Бош вазирининг ўринбосарлари Н.М. Ханов ва В.А. Голишев зиммасига юклан-
син.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 17 январь,
6-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ
 МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
 ҚАРОРИ

**14 Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва
ривожлантириш Жамғармаси маблағларини тасарруф
этиш учун тиббиёт муассасаларидағи маҳсус комиссиялар
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
14 январда 1536-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 24 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-сонли «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари тўплами, 2005 йил, 51-сон, 380-модда) ижросини таъминлаш мақсадида **қарор қиласиз:**

1. Илова* қилинаётган Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш Жамғармаси маблағларини тасарруф этиш учун тиббиёт муассасаларидағи маҳсус комиссиялар тўғрисида низом тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Соғлиқни сақлаш вазири Ф. НАЗИРОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 31 декабрь,
06-3 / 440-сон

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири О. ОБИДОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 31 декабрь,
11 / 5132-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Молия вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 31 декабрь,
109-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

**15 Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва
ривожлантириш Жамғармаси тўғрисида низомни
тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
14 январда 1537-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 24 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 декабрдаги ПҚ-229-сонли «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»-ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари тўплами, 2005 йил, 47-48-сон, 354-модда) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-сонли «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари тўплами, 2005 йил, 51-сон, 380-модда) ижросини таъминлаш мақсадида **қарор қиласиз**:

1. Илова қилинаётган Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш Жамғармаси тўғрисида низом тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб, ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Соғлиқни сақлаш вазири Ф. НАЗИРОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 31 декабрь,
06-3/436-сон

Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири О. ОБИДОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 31 декабрь,
5083-сон

Молия вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 31 декабрь,
107-сон

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мехнат ва
аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш
вазирлиги, Молия вазирлигининг
2005 йил 31 декабрдаги 06-3/436,
5083,107-сонли қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва
ривожлантириш Жамғармаси тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 декабрдаги ПҚ-229-сонли «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами, 2005 йил, 47-48-сон, 354-модда) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-сонли «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари тўплами, 2005 йил, 51-сон, 380-модда) мувофиқ тиббиёт муассасаларини моддий-техник базасини ривожлантириш ва тиббиёт ходимлари меҳнатини моддий рағбатлантириш учун тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш Жамғармасини шакллантириш ва унинг маблағларини сарфлаш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш Жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) 2006 йил 1 январдан ривожлантириш Жамғармаси негизида барча бюджет тиббиёт муассасаларида ташкил этилади.

2. Жамғарма маблағлари:

ишга вижданан муносабати ва кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг юкори сифати учун тариф ставкаси базасига ойлик устамалар белгилаш, бир йўла моддий ёрдам ва мукофотлар тўлаш шаклида тиббиёт ва фармацевтика ходимларни рағбатлантиришга;

тиббиёт муассасасининг моддий-техника базасини ривожлантиришга, модернизация қилишга ва таъмирлашга йўналтирилади.

II. Жамғарма маблағларини шакллантириш тартиби

3. Қўйидагилар Жамғарманинг манбалари ҳисобланади:

тиббиёт муассасаси учун ажратиладиган бюджет маблағлари умумий ҳажми-нинг 5 фоизигача бўлган қисми;

хомийлик ва донорлик ташкилотларидан ҳамда пулли даволаш ва хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар;

тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашда тежалган бюджет маблағлари;

4. Тиббиёт муассасалари Жамғарма ҳаражатларини сарфлашнинг икки мустақил йўналиши бўйича маблағларнинг алоҳида ҳисобини юритадилар:

тиббиёт муассасаси ходимларини моддий рағбатлантиришга;

тиббиёт муассасасини моддий-техник базасини ривожлантиришга, модерниза-ция қилиш ва таъмирлашга;

5. Агар ҳомий, донор томонидан бошқа ҳоллар маҳсус кўрсатилмаган бўлса, хомийлик ва донорлик ташкилотлари маблағлари, шунингдек пулли даволаш ва хизматлар кўрсатишдан тушган маблағлар тиббиёт муассасаси томонидан улардан кейинчалик ходимларни моддий рағбатлантиришда ва моддий-техник базани ривож-лантириш, модернизация қилиш ва таъмирлашда фойдаланиш учун белгиланган мутаносибликка мувофиқ банк муассасасида алоҳида ҳисоб рақамларига ўтказила-ди.

6. Мазкур Низомнинг З-бандида кўрсатилган бюджет маблағлари улардан кей-инчалик ходимларни моддий рағбатлантиришда ва моддий-техник базани ривожлантириш, модернизация қилиш ва таъмирлашда фойдаланиш учун белгиланган мутаносибликка мувофиқ ҳар бир чорак якунлари бўйича тиббиёт муассасаси томони-дан банк муассасасида алоҳида ҳисоб рақамларига ўтказилади.

7. Жамғарма маблағларидан ходимларни моддий рағбатлантиришда ва тиббиёт муассасасининг моддий-техник базасини ривожлантириш, модернизация қилиш ва таъмирлашда фойдаланиш тегишли равиша ушбу мақсадлар учун белгиланган маблағлар қолдиги ва банк муассасаларидаги алоҳида ҳисоб рақамларидаги мавжуд маблағ доирасида белгиланган тартибда амалга оширилади.

8. Жисмоний шахсларнинг Жамғарма маблағлари ҳисобидан олган даромадига солик солиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

III. Жамғарма маблағларини тақсимлаш тартиби

9. Жамғарма маблағлари тиббиёт муассасаси кайси гурӯхга мансублигига қараб қўйидаги мутаносиблиқда тақсимланади ва сарфланади:

Харажатлар йўналиши	I гурӯҳ муассасалар	II гурӯҳ муассасалар	III гурӯҳ муассасалар	IV гурӯҳ муассасалар
Ходимларни моддий рағбатлантириш	25% дан ортиқ бўлмаган	35% дан ортиқ бўлмаган	40% дан ортиқ бўлмаган	50% дан ортиқ бўлмаган
Моддий-техник базани мустаҳкамлаш, модернизация қилиш ва таъмирлаш	камида 75%	камида 65%	камида 60%	камида 50%

**IV. Тиббиёт муассасалари ходимларига Жамғарма маблағлари
хисобидан устамалар ва моддий рағбатлантиришларнинг бошқа
турларини белгилаш тартиби**

10. Барча тиббиёт муассасаларида меҳнатга вижданан муносабати, кўрсатилаётган тиббиёт ёрдамнинг юқори сифати учун ходимнинг тариф ставкасига ойлик устамалар белгилаш учун мезонларни аниқлаш қисмида ягона ёндашувга риоя қилиниши таъминланади.

Тиббиёт ходимларининг ишга вижданан муносабати ва кўрсатаётган тиббиёт ёрдамнинг юқори сифати учун тариф ставкаларига ойлик устамалар тегишли ходимнинг тариф ставкасидан 5 дан 20 фоизгача миқдорда белгиланади.

11. Ойлик устамалар ходимларнинг лавозимига ва тиббиёт муассасалари гурухига қараб қуидаги доираларда белгиланади:

Лавозимлар номи	I гурӯҳ муассасалар	II гурӯҳ муассасалар	III гурӯҳ муассасалар	IV гурӯҳ муассасалар
Кичик тиббиёт ходимлари	5-15 %	5-15 %	5-15 %	10-20 %
Ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари	10-15 %	10-15 %	10-15 %	10-20 %
Врач ходимлар ва провизорлар	10-15 %	10-15 %	10-20 %	10-20 %

12. Алоҳида тиббиёт ходимлари учун устамалар белгилаш қуидаги асосий қўрсаткичларни албатта хисобга олган ҳолда амалга оширилади:

кўрсатилаётган тиббиёт ёрдамнинг сифати — даволаш усуllibарини қўллашдан асорат қолишининг паст даражаси, бемор ҳолатининг ижобий муттасил ўсиши, тиббиёт ёрдам сифатига беморлар томонидан шикоят қилинмаганлиги, рецидивларнинг паст даражаси, қўлланилаётган даволашнинг тасдиқланган стандартларга мувофиқлиги. Амбулатория-поликлиника бўғинида — бириктирилган контингентнинг диспансерлаштириш билан тўлиқ қамраб олингандиги ва соғлиги ҳолати кўрсаткичларининг яхшиланиши;

меҳнат билан бандлиги — ходимнинг амалда бандлиги, иш вакти давомида хизмат қўрсатиш меъёрларини хисобга олган ҳолда мансаб мажбуриятларини бажариши; белгиланган хизмат қўрсатиш меъёрларига мувофиқ хизмат қўрсатилган беморларнинг, лаборатория анализлари ва бошқа даволаш-диагностика тадбирларининг миқдор маълумотлари бўйича аникланадиган тиббиёт ёрдам қўрсатиш ҳажми;

кўрсатилаётган тиббиёт ёрдамнинг мураккаблиги — кўрсатилаётган тиббиёт ёрдамнинг умумий ҳажмида мураккаб (юксак касб билимларини, юқори даражада аникликни, юксак технологиялардан фойдаланиши талаб қиласиган) тиббиёт аралашувлар, манипуляцияларнинг юқори салмоғи;

**ихтисослик тармоғида кўрсатилаётган тиббиёт ёрдамнинг ўхши
йўқлиги** — энг кам ҳажмда бўлган жарроҳлик аралашувлари ва оқилона сарф қилган ҳолда беморларнинг янада тезроқ соғайишига қўмаклашадиган жаҳон стандартлари даражасидаги янги технологиялар ва замонавий ускуналар қўлланилган ҳолда бажарилган тиббиёт ёрдам ҳажми.

13. Тиббиёт муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини бир йўла мукофотлаш муассасани ривожлантиришга қўшган шахсий ҳиссаси ва фаолиятида юқори кўрсаткичларга эришганлиги учун унга бир лавозим маошигача миқдорда мукофот тайинлаш йўли билан амалга оширилади.

14. Тиббиёт муассасалари ходимларига моддий ёрдам фавқулодда ҳолларда уларнинг мурожаатига кўра ёки тегишли тиббиёт муассасаси касаба уюшмаси ташкилотининг ташаббуси билан (яқин қариндошларнинг вафот этиши, оғир жароҳатлар

олиш, касал бўлиш, табиий оғатлар оқибатлари ва бошқа шунга ўхшаш ҳолларда) кўрсатилади.

15. Тиббиёт ходимларининг меҳнатга вижданан муносабати ва юкори сифатли тибий ёрдам кўрсатганини учун тариф ставкаларига ойлик устамалар белгилаш, мукофотлаш ва моддий ёрдам кўрсатиш Жамғарма маблағларини тасарруф этиш бўйича маҳсус комиссия қарори асосида амалга оширилади.

16. Жамғарма ҳисобидан устамалар, мукофотлар ва моддий ёрдамлар тўлаш Жамғарма маблағларини тасарруф этиш бўйича маҳсус комиссиянинг тегишли қарори асосида қабул қилинган тиббиёт муассасаси раҳбарининг буйруғига мувофиқ амалга оширилади. Буйруқда алоҳида ходимларга бериладиган моддий рағбатлантиришнинг аниқ турлари, унинг миқдори ва тўлаш муддатлари кўрсатилади.

17. Жамғарма маблағлари ҳисобидан устамалар ва бошқа моддий рағбатлантириш турларини тўлаш иш ҳаки тўланиши билан бир вақтда амалга оширилади.

V. Тиббиёт муассасасининг моддий-техника базасини ривожлантириш, модернизация қилиш ва таъмирлаш мақсадида Жамғарма маблағларини сарфлаш тартиби

18. Тиббиёт муассасасининг моддий-техника базасини ривожлантириш, модернизация қилиш ва таъмирлаш мақсадида Жамғарма маблағларини сарфлаш Жамғарма маблағларини тасарруф этиш бўйича маҳсус комиссиянинг қарори асосида амалга оширилади.

19. Жамғарма маблағларини тасарруф этиш бўйича маҳсус комиссиянинг қарори асосида тиббиёт муассасаси раҳбари маблағларни сарфлашнинг аниқ мақсадлари, йўналишларини ва унинг миқдорини кўрсатган ҳолда буйруқ чиқаради.

VI. Жамғарма маблағлари сарфланиши учун жавобгарлик ва назорат қилиш тартиби

20. Соғлиқни сақлаш юкори турувчи бошқарув органларининг раҳбарлари, маҳсус комиссия аъзолари, шунингдек, тиббиёт муассасаси раҳбарлари Жамғарма маблағларини шакллантириш ва сарфлаш тартибига риоя қилиниши, холислиги ва ҳаққонийлиги учун жавобгардирлар.

21. Молия вазирлигининг Бош назорат-тафтиш бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилишини қонунчиликда кўрсатилган тартибда текширадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ
 МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
 ҚАРОРИ

16 Тиббиёт муассасалари раҳбар ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлашда соғлиқни сақлаш муассасаларини турларга ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
 14 январда 1538-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 24 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-сонли «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари тўплами, 2005 йил, 51-сон, 380-модда) ижросини таъминлаш мақсадида **қарор қиласиз:**

1. Илова* қилинаётган Тиббиёт муассасалари раҳбар ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлашда соғлиқни сақлаш муассасаларини турларга ажратиш тартиби тўғрисида низом тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Соғлиқни сақлаш вазири Ф. НАЗИРОВ

Тошкент ш.,
 2005 йил 31 декабрь,
 06-3 / 439-сон

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий мухофаза қилиш вазири О. ОБИДОВ

Тошкент ш.,
 2005 йил 31 декабрь,
 11 / 5112-сон

Молия вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
 2005 йил 31 декабрь,
 108-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУФИ

17

**Номоддий активларни балансдан чиқариш тартиби
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
14 январда 1539-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 24 январдан кучга киради)

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 ноябрдаги 553-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғрисидаги низомга мувофиқ **буюраман**:

1. Илова* қилинаётган Номоддий активларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқлансин;
2. Мазкур бўйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлиб 10 кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 14 декабрь,
105-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚўМИТАСИННИГ
ҚАРОРИ

18 Юридик ва жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси худудига олиб кириладиган алоҳида турдаги товарлар бўйича акциз солигини тўлаш тартиби тўғрисидаги Йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
18 январда 1101-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 28 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Конунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 19 сентябрдаги «Экспорт-импорт операцияларини тартиба солиши борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-183-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасиning 2002 йил 15 январдаги 17 ва 02/8-1-сонли қарори билан тасдиқланган Юридик ва жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси худудига олиб кириладиган алоҳида турдаги товарлар бўйича акциз солигини тўлаш тартиби тўғрисидаги Йўриқноманинг (2002 йил 5 март, рўйхат рақами 1101 — Меъёрий хужжатлар ахборотномаси, 2002 йил, 5-сон) 7-банди биринчи хатбошисидаги «пиво» сўзи чиқариб ташлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 4 январь,
1-сон

Давлат божхона қўмитаси раиси Б. МАТЛЮБОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 4 январь,
01-02 / 8-24-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ
МУХОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИНИНГ
ҚАРОРИ

19 Раҳбар ва педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
18 январда 1540-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 28 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рафбатлантиришни куҷайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 25 ноябрдаги ПҚ-227-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида» 2005 йил 21 декабрдаги 275-сонли қарорига мувофиқ **қарор қилинади**:

1. «Раҳбар ва педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисида низом» иловага кўра тасдиқлансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2004 йил 29 сентябрда 1414-сон билан рўйхатдан ўтган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги давлат тест марказининг «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизими бошқарув органлари ва ўқув юртларининг раҳбар ва педагогик кадрлари аттестацияси тўғрисида низомини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.
3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтган санадан ўн кун ўтганидан кейин кучга киради.

Мехнат ва аҳолини ижтимоий мухофаза қилиш вазири О. ОБИДОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 30 декабрь,
106-сон

Халқ таълими вазири Т. ЖЎРАЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 30 декабрь,
43-сон

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази
директори Б. ИСМОИЛОВ**

Тошкент ш.,
2005 йил 30 декабрь,
01-356-сон

Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза
қилиш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги
ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат
тест марказининг 2005 йил 30 декабрдаги
106, 43 ва 01-356-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Раҳбар ва педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш ва уларга
малака тоифалари бериш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 25 ноябрда
«Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва
уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-227-сон
қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабр-
даги «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган ти-
зимини тасдиқлаш тўғрисида»ги 275-сон қарорига мувофиқ идоравий бўйсунувидан
қатъи назар, халқ таълими тизимидағи давлат таълим муассасалари раҳбар ва пе-
дагог кадрларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тарти-
бини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Аттестация ўтказишнинг асосий мақсадлари:

педагог кадрларнинг малака талабларига мувофиқ малака тоифаларини белги-
лашда уларнинг касбий маҳорати даражасини аниқлаш ва малака тоифаларини бе-
риш (ошириш ёки пасайтириш);

раҳбар кадрлар касбий маҳорати даражасининг лавозим малака тавсифларига
мувофиқлигини аниқлаш.

Аттестация:

раҳбар ва педагог кадрларнинг касб маҳоратини мақсадли ва мунтазам ошири-
лишини рағбатлантириш;

иш ҳақи ҳажмининг қўпайиши имкониятларини таъминлаш;

мактаблар мустақиллигини, директор ва педагогик жамоанинг ходимлар меҳ-
натини баҳолашдаги хукуқларини янада оширишга йўналтирилган.

2. Аттестациянинг асосий тамойиллари:

халқ таълими муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини аттестациядан ўтка-
зишнинг мажбурийлиги ва даврийлиги;

ошкоралиги, кенгашиб иш кўриши ва холислиги ҳисобланади.

3. Раҳбар ва педагог кадрлар лавозимларига талаблар Мехнат ва аҳолини
ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги (кейинги ўринлар-
да — XTB), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест

маркази (кейинги ўринларда — ДТМ) томонидан тасдиқланган «Халқ таълими ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифлари», шунингдек, педагог кадрлар малака тоифаларига ушбу Низомда белгиланган талаблар асосида белгиланади.

4. Раҳбар кадрлар аттестацияси уч йилда бир марта, педагог кадрлар аттестацияси беш йилда бир марта ўтказилади.

5. Аттестация ўтказиш муддатлари халқ таълими бошқарув органлари томонидан аттестация қилинувчиларга унинг бошланишидан камида бир ой олдин хабар қилинади.

6. Педагог кадрнинг ёзма аризасига биноан ёки таълимни бошқарув органи ташаббусига кўра педагог кадр навбатдан ташқари аттестациядан ўтказиш мумкин.

Педагог кадрни навбатдан ташқари аттестациядан ўтказиш олдинги аттестацияга нисбатан камида уч йилдан кейин амалга оширилиши мумкин.

7. Янги ишга қабул қилинган ходим камида бир йилдан кейин аттестациядан ўтказилади.

Узоқ вақт (бир ойдан ортиқ) даволанаётган ходимлар; ҳомиладорлик таътилидаги, уч ёшга тўлгунга қадар болани парваришлиш таътилидаги аёллар — ишга чиқсанларидан сўнг камида бир йилдан кейин аттестациядан ўтказилади.

8. XTB ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари раҳбар ва педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш жараёнини ташкил этишга масъул ҳисобланади.

Меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги кадрларнинг меҳнат конунчилигида белгиланган хукуқларини таъминланишини назорат қиласиди.

Аттестация жараёнларини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш, аттестация комиссиялари иш натижаларини таҳлил қилиш ва баҳолаш Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 293-сон карорига мувофиқ ДТМ томонидан амалга оширилади.

9. Раҳбар ва педагог кадрлар аттестациясини ташкил этиш, ўтказиш ДТМ томонидан ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган жадвал асосида амалга оширилади.

II. Раҳбар кадрларни аттестациядан ўтказиш тартиби

10. Раҳбар кадрларнинг қўйидаги тоифалари аттестациядан ўтказилиши шарт: идоравий бўйсунувидан қатъи назар, халқ таълими муассасаларининг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари (хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосарларидан ташқари), методик кабинетлар мудирлари ва ходимлари, шунингдек Давлат таълим стандартлари мониторинги бўлим (шўъба) бошлиqlари;

педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш институт (марказ, факультет ва курс)лари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари;

касбга ўналтириш ва ўкувчиларнинг психологик-педагогик ташхиси марказлари раҳбарлари;

халқ таълими давлат бошқаруви органлари раҳбарлари.

11. Педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш институт (марказ, факультет ва курс)лари профессор-ўқитувчиларини ҳамда таълим марказ (бўлим)-лари мутахассисларини аттестациядан ўтказиш раҳбар кадрларни аттестациядан ўтказиш тартибида амалга оширилади.

12. Аттестация қилинувчи раҳбарлар ўтказилиши белгиланган аттестациядан бир ой олдин халқ таълим мининг тегишли бошқарув органига, таълим муассасаси раҳбарига қўйидаги хужжатларни топшириши керак:

маълумотнома-таржимаи хол;

мехнат дафтарчаси, маълумоти, малака тоифаси, илмий даражаси ва илмий унвони тўғрисидаги (агар бўлса), малака оширганилиги ва қайта тайёрлаш муассасаларида олинган ихтисослик тўғрисидаги гувохнома (сертификат) нусхалари;

нашр этилган илмий, ўқув-методик ишлари, мақолалари ва ихтиrolарининг муаллиф имзоси қўйилган ҳамда таълим муассасаси мухри босилган рўйхати;

аттестация қилинувчи томонидан кейинги уч йилда бажарилган ўқув-методик, илмий ва маънавий-маърифий ишларнинг раҳбарият томонидан тасдиқланган ҳисоботи;

таълим муассасасини ривожлантириш бўйича истиқболдаги режалари тўғрисидаги қисқача маълумоти.

Нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар учун аттестация қилинувчи жавобгар ҳисобланади.

13. Аттестация ўтказиш аттестация комиссиялари томонидан амалга оширилади. Аттестация комиссиялари қошида эксперт гуруҳлари тузилиши мумкин. Эксперт гуруҳларининг асосий вазифалари маълумотлар тўплаш ва аттестация қилинувчи кадрнинг касбий ва раҳбарлик фаолиятини баҳолашдан иборат. Эксперт гуруҳларининг таркиби ДТМ ва ХТВ қўшма бўйруғи билан тасдиқланади.

14. Аттестация комиссияси 9 кишидан иборат бўлиб, аъзоларидан камида 6 нафари иштирок этса, комиссия мажлисининг ўтказилиши ваколатли ҳисобланади.

15. Аттестация комиссияси таркиби:

халқ таълими тизими бошқарув идоралари раҳбарларини аттестациядан ўтказиш аттестация комиссияси таркиби ХТВ ва ДТМ қўшма бўйруғи билан тасдиқланади. Комиссия раиси — ХТВ вакили, ўринbosари — ДТМ вакили тайинланади;

таълим муассасалари, касбга ўйналтириш ва ўқувчиларнинг психологик-педагогик ташхиси марказлари раҳбарлари; методик кабинетлар раҳбарлари, педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш институт (марказ, факультет ва курс)лари раҳбарлари ва профессор-ўқитувчиларини аттестациядан ўтказиш бўйича аттестация комиссияси таркиби ДТМ ва ХТВ қўшма бўйруғи билан тасдиқланади. Комиссия раиси — ДТМ вакили, ўринbosари — ХТВ вакили тайинланади.

Аттестация комиссиялари таркибига давлат мехнат ҳуқуқ инспектори ва тасаруфида таълим муассасаси мавжуд бўлган вазирлик ёки идора вакиллари киради.

Аттестация комиссиялари таркибига таълим ва илмий муассасалар кадрлари, методик хизматлар, касаба уюшмалари идоралари вакиллари, ҳокимиятлар, бошқа ташкилотлар вакиллари, шунингдек, соҳа мутахассислари кириши мумкин.

16. Раҳбар кадрларни аттестациядан ўтказиш кўйидаги тартибда ташкил қилинади:

раҳбар кадрлар таълим соҳасидаги меъёрий-хуқуқий ҳужжатларни билиши, раҳбарлик кобилияти юзасидан малака синовларидан ўтадилар;

кейинги уч йил давомида таълим муассасасининг ривожланиш динамикаси ва раҳбарнинг кейинги касбий ва раҳбарлик ўқув-услубий, илмий, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар бўйича фаолияти ўрганилади;

касбий ва лавозим мажбуриятлари доирасига кирувчи масалалар бўйича сухбат ўтказилади.

Сухбат жараённида берилган савол ва жавоблар маҳсус (саҳифаланган, боғланган, мухланган) журналга қайд этилади.

17. Аттестация комиссияси тақдим қилинган ҳужжатларни ҳар томонлама кўриб чиқиб, сухбат, малака синовлари ва касбий фаолиятни баҳолаш натижаларини ҳисобга олиб, кўйидаги хуносадан бирини қабул қиласди:

«Эгаллаб турган лавозимиға мос келади»;
 «Эгаллаб турган лавозимиға мос келмайди».

18. Хулоса аттестация комиссияси томонидан кенгашганд ҳолда, ошкора овоз бериш йўли билан қабул қилинади ва комиссия таркибининг кўпчилиги фикри билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолган ҳолларда хулоса аттестация қилинувчининг фойдасига чиқарилади.

19. Аттестация қилинувчи аттестация комиссияси аъзоси бўлган ҳолда, у овоз беришда қатнашмайди.

20. Аттестация қилинувчи ходим аттестация комиссияси мажлисига узрли сабабга (асосланган хужжатлар ёки аттестациядан ўтувчининг тушунтириш хати, халқ таълими бошқарув органи раҳбарининг маълумотномаси узрли сабабга асос бўлади. Қолган ҳоллар узрли деб ҳисобланмайди) кўра келмаган бўлса, унинг аттестацияси бошқа муддатга кўчирилади.

21. Аттестация қилинувчи кадр аттестация комиссияси мажлисига узрсиз сабабга кўра келмаган бўлса, у аттестациядан ўтмаган ҳисобланади ва «Эгаллаб турган лавозимиға мос келмайди» деган хулоса чиқарилади.

22. Аттестация комиссиясининг хулоаси аттестация варафига (1-илова) ёзилади ва комиссия раиси, ўринбосари, котиб ва аттестация комиссиясининг мажлисида иштирок этган аъзолари томонидан имзоланади. Аттестация варафи ходимнинг шахсий хужжатларига тикиб қўйилади.

23. Аттестация комиссиясининг хулоаси комиссия раиси, ўринбосари, котиб имзолаган икки нусхада баённома билан расмийлаштирилади. Баённоманинг бир нусхаси ДТМ вакилига, иккинчи нусхаси иш берувчига тақдим қилинади.

24. Тасарруфида таълим муассасаси мавжуд бўлган вазирлик ёки идора, халқ таълими бошқаруви органи, халқ таълими муассасаси раҳбари аттестация комиссияси хулоасига кўра лавозимиға мос келмаган ходимлар билан тузилган меҳнат шартномасини меҳнат конунчилигига белгиланган тартибда бекор қиласи.

25. Аттестация қилинувчи раҳбар кадр хоҳишига биноан у ўзининг малака тоифасини тасдиқлаши ёки малака тоифасига эга бўлиши учун мазкур Низомнинг III бўйлигига асосан аттестация қилиниши мумкин.

III. Педагог кадрларни аттестациядан ўтказиши тартиби

26. Педагог кадрларнинг қўйидаги тоифалари аттестациядан ўтказилиши кепак:

барча турдаги умумтаълим мактаблари, болалар уйлари ўқитувчилари, тарбиячилари, логопедлари, дефектологлари, тўғараклар раҳбарлари, концертмейстерлар; мактабгача таълим муассасалари услубиётчилари, тарбиячилари, мусика раҳбарлари, ўқитувчилари;

таълим муассасаларининг жисмоний тарбия бўйича ўюриқчилари, спорт мактаблари тренерлари;

методик кабинет (марказ)лари услубиётчилари, Давлат таълим стандартлари мониторинги бўлим (шўъба) инспектор-ўюриқчилари, касбга ўйналтириш ва ўқувчиларнинг психологик-педагогик ташхиси марказлари ходимлари;

мактабдан ташқари муассасалар педагог кадрлари, тўғараклар раҳбарлари ва услубиётчилари;

таълим-тарбия муассасалари психологлари.

27. Хорижда ўқиганлиги тўғрисидаги дипломи ностирификациядан ўтмаган, олий ва ўрта маҳсус маълумотга эга бўлмаган педагоглар аттестацияга киритилмайди.

28. Педагог кадрлар аттестацияси тегишли таълимни бошқарув органи, халқ таълими муассасаси маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

29. Халқ таълими худудий бошқармалари ҳузурида ДТМ ва ХТВ қўшма буйрugi билан Мувофиқлаштирувчи аттестация комиссиялари тузилади.

Мувофиқлаштирувчи аттестация комиссиялари таркибига худудий бошқарма раҳбари (комиссия раиси), ҳокимият, ДТМ, таълим бўйича касаба уюшмаси вакиллари, шунингдек тажрибали педагоглардан уч нафари киради.

Мувофиқлаштирувчи аттестация комиссиялари вазифаларига қўйидагилар киради:

туман (шаҳар) аттестация комиссиялари таркибини тасдиқлаш;

олий, биринчи тоифали ва шу тоифаларга даъвогар педагог кадрлар малака синовларини ташкил қилиш ва жадвалларини тузиш;

туман (шаҳар) аттестация комиссиялари фаолиятини назорат қилиш;

олий тоифали ва шу тоифага даъвогар педагог кадрлар, шунингдек методик кабинет (марказ)лар услубиётчилари, Давлат таълим стандартлари мониторинги бўлим (шўъба) инспектор-йўриқчилари аттестациясини ўтказиш;

олий тоифали педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш якунлари бўйича ҳисоботлар тайёрлаш;

туман (шаҳар) аттестация комиссиялари ҳисоботларини қабул қилиш ва таҳлил этиш;

аттестация натижаларига кўра умумлаштирилган ҳисоботлар тузиш, уларни ДТМ ва ХТВ га тақдим қилиш.

30. Туман (шаҳар) халқ таълими бўлими ҳузурида худудий бошқарма раҳбари буйрugi билан туман (шаҳар) аттестация комиссиялари тузилади.

Туман (шаҳар) аттестация комиссиялари таркибига халқ таълими бўлими раҳбари (комиссия раиси), ҳокимият, методик кабинет мудири, таълим бўйича касаба уюшмаси вакиллари, шунингдек, тажрибали педагоглардан уч нафари киради.

Туман (шаҳар) аттестация комиссиялари вазифаларига қўйидагилар киради:

таълим муассасаларидаги аттестация комиссиялари фаолиятини назорат қилиш;

биринчи тоифали ва шу тоифага даъвогар педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш;

таълим муассасаларидаги аттестация комиссияларининг ҳисоботларини қабул қилиш ва таҳлил этиш;

биринчи тоифали педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш якунлари бўйича ҳисоботлар тайёрлаш;

таълим муассасаларида ўтказилган аттестация якунларига кўра ҳисоботлар тузиш ва умумлаштириш, уларни худудий Мувофиқлаштирувчи аттестация комиссияларига тақдим қилиш.

31. Таълим муассасаси аттестация комиссияси туман (шаҳар) халқ таълими бўлими раҳбари буйрugi билан тузилади ва педагогик жамоа аъзолари миқдорига қараб, 5—9 кишидан иборат бўлади.

Таълим муассасаси аттестация комиссиялари таркибига таълим муассасаси раҳбари (комиссия раиси), туман (шаҳар) халқ таълими бўлими вакили (раис ўринбосари), таълим муассасаси раҳбари ўринбосари, муассаса педагогик кенгаши тавсия этган педагоглар, таълим муассасаси касаба уюшмаси ва таълим муассасаси ота-оналар комитети вакиллари киради.

32. Таълим муассасаси аттестация комиссияси иккинчи тоифали ва шу тоифага даъвогар, шунингдек, мутахассис тоифали (олий ёки ўрта маҳсус, касб-хунар маълумотли) педагог кадрларни аттестациядан ўтказади.

33. Педагог кадрлар аттестацияси икки босқичда ўтказилади:

биринчи босқичда — эксперт гуруҳи томонидан ходимнинг амалий фаолиятини ўрганиш асосида уни ўз малака тоифасида қолдириш ёки бошқа тоифани бериш тўғрисида хулоса чиқарилади ва тавсия берилади;

иккинчи босқичда — тегишли аттестация комиссияси томонидан малака тоифасида қолдириш ёки бошқа тоифани бериш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Биринчи ва иккинчи босқич орасидаги давр бир ойдан ошиб кетиши мумкин эмас.

34. Эксперт гуруҳи таълим муассасасининг тажрибали педагогларидан тузилади, унинг таркибига туман (шаҳар) халқ таълими бўлими вакили ва ўқув фанлари йўналиши бўйича методик кабинет услубиётчилари киради.

Эксперт гуруҳи вазифаларига қўйидагилар киради:

педагогнинг касбий фаолияти натижаларини ҳар томонлама ўрганиш ва тахлил қилиш;

педагог томонидан амалга оширилган ўқув-тарбиявий ишлар сифатини ҳоли баҳолаш;

педагог кадрларга малака тоифаларини бериш масалалари бўйича тавсиялар тайёрлаш.

35. Педагог кадрлар фаолиятини ўрганиш натижалари бўйича эксперт гуруҳи қўйидагича тавсиялар беради:

малака тоифасини ошириш;

мавжуд малака тоифасини сақлаб қолиш;

малака тоифасини пасайтириш.

36. Эксперт гуруҳи хулоса ва тавсиялари таълим муассасаси педагогик кенгашида мажбурий тартибда муҳокама қилинади ва халқ таълими туман (шаҳар) бўлимига юборилади, у эса ўз навбатида тегишли аттестация комиссиясига жўнатади:

олий тоифа бериш (тасдиқлаш) учун Мувофиқлаштирувчи аттестация комиссиясига;

биринчи малака тоифасини бериш (тасдиқлаш) учун — туман (шаҳар) аттестация комиссиясига;

иккинчи малака тоифасини ёки мутахассис тоифасини бериш (тасдиқлаш) учун — таълим муассасаси педагог кадрлар аттестацияси комиссиясига.

37. Педагог кадрлар аттестацияси қўйидаги тартибда ўтказилади:

Педагог кадрларнинг тоифалар бўйича малака тавсифларига мувофиқлиги ўрганилади;

малака синовлари (тестлар, ёзма ва ижодий ишлар) ёрдамида аттестация қилинувчининг ихтисослик бўйича билим даражаси ва педагогик кўникмалари аниқланади;

педагогнинг ўқув-методик, маънавий-маърифий фаолияти ва тарбиявий ишлари ўрганилади;

назорат синовлари ёрдамида ўқувчиларнинг фан бўйича билимлари ўрганилади;

сұхбатлар ўтказилади.

Сұхбат жараёнида берилган савол ва жавоблар махсус (сахифаланган, боғланган, муҳрланган) журналга қайд этилади.

38. Олий ва биринчи тоифали педагог кадрлар ва шу тоифаларга даъвогарларнинг малака синовлари ДТМ ва ХТВ томонидан белгиланган тартиблар асосида ўтказилади.

39. Аттестация натижалари эълон қилингандан сўнг комиссиялар баённомала-

рини юқори турувчи комиссияларга, Мувофиқлаштирувчи аттестация комиссияси — электрон почта (ёки факс) орқали бир сутка давомида, тасдиқланган хисоботларни эса ўн кун муддат ичидаги ДТМ га топширишлари шарт.

40. Аттестациядан ўтувчилар хақидаги холис ва асосли маълумотларни тўплаш ва тақдим этиш учун комиссия раиси, аъзолари ва эксперт гурухлари масъул хисобланади.

41. Аъзоларнинг учдан икки кисми иштирок этган тақдирда аттестация комиссияси мажлиси ваколатли ўтказилган деб хисобланади.

42. Педагог кадрнинг фаолиятини ўрганиш, малака синовлари натижалари ҳамда аттестация қилинувчи билан бевосита сухбат қилиш асосида аттестация комиссияси қўйидаги хulosалардан бирини чиқаради:

«Аттестациядан ўтди, олий (биринчи, иккинчи, мутахассис) малака тоифасига мос келади»;

«Аттестациядан ўтмади, олий (биринчи, иккинчи, мутахассис) малака тоифасига мос келмайди».

43. Педагог кадр аттестация комиссияси томонидан «Аттестациядан ўтмади, олий (биринчи, иккинчи) малака тоифасига мос келмайди» деб хulosа берилса, унинг тоифаси бир тоифага пасайтирилади.

«Аттестациядан ўтмади, мутахассис малака тоифасига мос келмайди» деб хulosа берилган педагог малака ошириши ва бир йилдан сўнг қайта аттестациядан ўтиши лозим.

Қайта аттестация натижаларига кўра ушбу педагог кадрга яна «Аттестациядан ўтмади» деб хulosа берилса, у ҳолда педагог билан тузилган меҳнат шартномаси Мехнат кодексининг 100-моддаси 2-банди асосида бекор қилинади.

44. Аттестация қилинаётган педагог аттестация комиссияси аъзоси бўлса, у овоз беришда иштирок этмайди.

45. Аттестация қилинувчи педагог аттестация комиссияси мажлисига узрли сабабга (acosланган ҳужжатлар ёки аттестациядан ўтувчининг тушунтириш хати, ҳалқ таълими бошқарув органи ёки таълим муассасасининг раҳбарининг маълумотномаси узрли сабабга асос бўлади. Колган ҳоллар узрли деб хисобланмайди) кўра келмаган бўлса, унинг аттестацияси бошқа муддатга кўчирилади.

46. Аттестация қилинувчи педагог аттестация комиссияси мажлисига узрсиз сабабга кўра келмаган бўлса, у аттестациядан ўтмаган хисобланади ва мазкур Низомнинг 43-бандига мувофиқ хulosалар чиқарилади.

47. Аттестация комиссиясининг хulosаси комиссия раиси, ўринбосари ва котиб имзолаган баённома билан расмийлаштирилади. Баённоманинг бир нусхаси ДТМ га, иккинчи нусхаси иш берувчига тақдим қилинади.

48. Аттестация комиссияси хulosаси аттестация варагига ёзилади ва комиссия раиси, ўринбосари, котиб ва аттестация комиссиясининг мажлисида иштирок этган аъзолари томонидан имзоланади. Аттестация вараги кадрнинг шахсий ҳужжатларига тикиб қўйилади.

49. Ҳалқ таълимини бошқарув органи, таълим муассасаси раҳбари аттестация комиссияси қарори асосида бир ой мухлатда педагогга тегишли малака тоифасини бериш тўғрисида буйруқ чиқаради. Малака тоифаси аттестация комиссияси қарор қабул қилган кундан хисобланади.

Педагог кадрларга аттестация хulosалари натижаларига кўра ўрнатилган тартибда малака тоифасини бериш тўғрисида белгиланган шаклдаги сертификат топширилади (2-илова).

Малака тоифасини бериш тўғрисидаги сертификатлар (кейинги ўринларда —

сертификат) қатъий ҳисобот ҳужжатлари бўлиб, ҳисоб серияси, рақами ва ҳимоя даражасига эга. Сертификат бланклари ДТМ буюртмасига асосан типография усули билан «Давлат белгиси» ДИБда тайёрланади. ДТМ директори, халқ таълимни худудий бошқармалари, туман (шаҳар) бўйимлари раҳбарлари ва таълим муассасаси раҳбарлари сертификатларнинг ҳисоб-китоби, сақланиши ва мақсадга мувофиқ ишлатилиши бўйича ўрнатилган тартибда шахсий жавобгардирлар.

ДТМ сертификатлар рўйхатини олиб боради.

Сертификатлар рўйхатида кўйидагилар кўрсатилиши керак:

- аттестациядан ўтган педагогнинг фамилияси, исми, отасининг исми;
- асос: аттестация комиссияси қарори санаси, баённома рақами;
- сертификат берган таълим муассасаси номи;
- берилган сана ва бўйруқ рақами;
- сертификатнинг амал қилиш муддати;
- сертификатнинг амал қилишдан тўхтатилиши асоси ва санаси;
- сертификат нусхаси (дубликати)нинг берилиш асоси ва санаси.

IV. Педагог кадрларга малака тоифаларини бериш тартиби

50. Таълим муассасаларининг педагог кадрлари малака тоифаси аттестация комиссияси томонидан мажбурий ёки навбатдан ташқари аттестация пайтида малака тоифаларига талаблар асосида аниқланади.

51. Педагог кадр иккинчи, биринчи ва олий малака тоифасига талабгорлик қилиши ва аттестациядан муваффакиятли ўтса — эга бўлиши мумкин.

Педагог кадр малака тоифасини оширишнинг мажбурий шарти педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти (маркази)да унинг малака оширишдан ўтиши ҳисобланади.

52. Педагог кадрларга малака тоифаси беш йил муддатга берилади, бу муддат ўтгандан кейин педагог ўз малака тоифасини тасдиқлашга мажбур.

53. Ўқитувчига иккинчи малака тоифасини бериш кўйидаги асосий кўрсаткичлар билан аниқланади:

а) педагогик ходим малакаси — билим ва кўникмаларни баҳолашнинг стандарт талаблардан юқори бўлган педагогика назарияси, психология ва ёшлар физиологияси асослари, ўқиладиган фаннинг таянч компоненти мазмуни, таълим ва тарбия методикаси билан аниқланади;

б) педагогик ходимнинг маҳорати — таълим жараёнида қулай микроқлим яратиш, амалий фаолиятда таълим жараёнининг хилма-хил (вариант)лилигини таъминловчи ўқитиш методлари, усуслари ва воситаларини қўллай олиш, педагогик ташхиснинг қўлланилаётган оддий методлари ва воситалари, ўқувчилар жамоасини тоифалашнинг асосий шакллари, ўқувчиларнинг англаш ва муомала (коммуникатив) маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий методлари билан аниқланади;

в) педагогик ходим меҳнати самарадорлиги — педагог бевосита мулокот қиласиган ўқувчилар гурухини ахил жамоа сифатида сақлашга имкон берувчи амалий иш фаолияти; ўқувчиларни Давлат таълим стандартларига мос ҳолда билим олишини таъминлаш орқали аниқланади;

г) ўқитувчи лавозимида камида 3 йил иш стажига эга бўлиши керак.

54. Биринчи малака тоифасини бериш кўйидаги асосий кўрсаткичлар билан аниқланади:

а) педагогик ходим малакаси — билим ва кўникмаларни баҳолашнинг стандарт

талаблардан юқори бўлган таълим жараёни индивидуаллаштириш технологияси, психолого-педагогик ташхиснинг замонавий усуллари ўқиладиган фаннинг таянч компоненти мазмуни, турли даражада ўқитишни олиб бориш имконини берадиган назарий билимлар даражаси билан аниқланади;

б) педагогик ходимнинг маҳорати — ўқув-тарбия жараёни мазмуни, методлари ва шаклларини танлашда ўқувчиларнинг психологик хусусиятларини ҳисобга ола билиш, ривожланишлари, майллари, қобилиятлари, қизиқишлари ва соғликлари даражаси турлича бўлган ўқувчилар тоифаларини ҳисобга олган ҳолда педагогик масалаларни ҳал қилишга ва амалий фаолиятда замонавий педагогик технологияларни, шахсни ривожлантириш педагогикаси технологиялари элементларини, фан бўйича ўқув-методик ишларни таҳлил қилиш методикаларини кўллашга қодирлик билан аниқланади;

в) педагогик кадр меҳнати самарадорлиги мактаб ижтимоий ҳаётида фаол қатнашиши; малака ошириш курсларини мунтазам ўташи; вилоят ёки туман (шахар) даражасида илмий-методик тадбирларида фаол қатнашиши; унинг тажрибалари вилоят ёки туман (шахар) даражасида оммалаштирилганлиги, шунингдек ўқувчилари иккинчи тур фан олимпиадаларида, вилоят ёки туман даражасидаги кўрик танловларида, спорт мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаганлиги (бундай фан олимпиадалари ва тадбирлар ўтказилмайдиган бошланғич синф ва фан педагоглари бундан мустасно) орқали аниқланади;

г) иккинчи тоифали ўқитувчи лавозимида камида 3 йил иш стажига эга бўлиши керак.

55. Олий малака тоифасини бериш қўйидаги асосий кўрсаткичлар билан аниқланади:

а) педагогик ходимнинг малакаси — кўрсаткичи педагогик фан ва амалиётнинг, ўз билим соҳасининг энг янги ютуқларини ўзлаштириш, амалий масалаларни ижодий ҳал қилиш билан аниқланади;

б) педагогик ходим маҳорати — кўрсаткичи таълим ва тарбиялаш методлари, воситалари, шаклларини оптималь танлашни амалга ошира олиш ёки тарқатишга тавсия берилиши мумкин бўлган педагогик технологиялар ёки уларнинг элементларини мустакил равища ишлаб чиқиш, синааб кўриш ва муваффақиятли қўллаш, ўқувчиларнинг ижодий имкониятларини юзага чиқариш учун шароитлар яратиш билан аниқланади;

в) педагогик ходим меҳнати самарадорлиги — мактаб ижтимоий ҳаётида фаол қатнашиши; малака ошириш курсларини мунтазам ўташи; вилоят ёки туман (шахар) даражасида илмий-методик тадбирларида фаол қатнашиши; унинг тажрибалари республика ёки вилоят даражасида оммалаштирилганлиги, шунингдек ўқувчилари иккинчи ёки учинчи тур фан олимпиадаларида, ҳалқаро, республика, вилоят даражасидаги кўрик танловларида, спорт мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаганлиги (бундай фан олимпиадалари ва тадбирлар ўтказилмайдиган бошланғич синф ва фан педагоглари бундан мустасно) орқали аниқланади;

г) биринчи тоифали ўқитувчи лавозимида камида 3 йил иш стажига эга бўлиши керак.

56. Малака тоифаларини беришда кадр маълумотига қўйиладиган талаблар:

педагог кадрга мутахассис тоифаси унда бакалавр даражаси тўғрисидаги ёки олий маълумотга эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом мавжуд бўлгандағина аттестациясиз берилади;

магистр даражасига эга бўлган педагог кадрни ишга қабул қилишда иккинчи малака тоифаси аттестациядан ўтказилмасдан берилади. Бу тоифа кейинчалик аттестациялар натижасига кўра ўзгартирилиши мумкин;

фан номзоди ёки фан доктори илмий даражасига эга бўлган педагог кадрларга олий малака тоифаси, агар у камида уч йиллик педагогик иш стажига эга бўлса, аттестация ўтказилмасдан берилади, қолган ҳолларда биринчи малака тоифаси берилади;

ўрта маҳсус, касб-хунар маълумотига эга бўлган кадрга аттестация натижаларига кўра мутахассис, иккинчи ва истисно ҳолларда биринчи малака тоифаси берилиши мумкин;

ўрта маҳсус, касб-хунар маълумотига эга бўлган педагог кадрга ушбу Низом киргандан олдин олий ёки биринчи малака тоифаси берилган бўлса, кўрсатилган малака тоифаси ушбу Низомга асосланиб ўтказилган аттестация натижаларига кўра сақланиши мумкин.

57. Аттестация хulosасидан норози бўлган педагог ва раҳбар кадрлар аттестациядан кейин ўн кун ичida Апелляция комиссияси мурожаат қилишлари мумкин.

V. Апелляция ўтказиш тартиби

58. Апелляция комиссиялари 3—5 кишидан иборат бўлиб, улар қўйидагича тузилади:

халқ таълими бошқарув органлари раҳбарларига Апелляция комиссияси XTB да;

таълим муассасалари, касбга йўналтириш ва ўқувчиларнинг психологик-педагогик ташхиси марказлари, методик кабинетлар раҳбарлари, малака ошириш ва қайта тайёрлаш институт (марказ, факультет ва курс)лари раҳбарларига ДТМда;

таълим муассасалари педагог кадрларига — туман (шахар) халқ таълими бўлимларида.

Апелляция комиссияларига бошқа муассаса ва ташкилотлардан мутахассислар жалб этилиши мумкин. Комиссия фаолияти унинг ишида аъзолардан учдан иккиси иштирок этган тақдирда ваколатли деб хисобланади.

Комиссия раиси ДТМ, халқ таълими бошқарув органлари раҳбарларидан тайинланади.

59. Аризалар қайд этилган санадан бошлаб, бир ой мобайнида кўриб чиқилади. Апелляция комиссияси ариза эгасини ариза кўриб чиқилган кундан кейинги беш кун ичida унинг аризаси кўриб чиқилганлиги тўғрисида хабардор қиласди.

60. Апелляция комиссияси аттестация ўтказиш тартиблари бузилмаганлиги ёки аризачини қайтадан аттестациядан ўтказиш тўғрисида карор чиқаради.

61. Апелляция комиссияси хulosаси иккиси нусхада баённома билан расмийлаштирилади, баённоманинг бир нусхаси аризачига тақдим этилади.

62. Педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифаларини бериш, шунингдек, раҳбар кадрлар аттестацияси тўғрисидаги меҳнат низолари, Ўзбекистон Республикаси конунчилигида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Рахбар ва педагог кадрларни аттестациядан
ўтказиш ва уларга малака тоифалари
бериш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

(вилоят ва туман номи)

(таълим муассасаси номи ва раками)

АТТЕСТАЦИЯ ВАРАҚАСИ

(аттестациядан ўтувчининг фамилияси, исми, отасининг исми)

(лавозими ва малака тоифаси)

Туғилган йили, куни ва ойи _____
Маълумоти _____
(олий, ўрта маҳсус, умумий ўрта) _____
(таълим олган муассасаси номи) _____
(тутатган йили) _____

Мутахассислиги _____ Ихтинослиги _____

Илмий даражаси ва унвони _____

Педагогик стажи _____
Эгаллаб турган лавозими бўйича иш стажи _____
Жумладан шу таълим муассасасида _____

Малакасини оширган вақти (охиргиси) ва таълим муассасаси номи _____

(малака оширган соҳаси: қасбий, инфоҳацион ёки педагогик технология ва бошқа мавзуларда)

Мукофотлари _____

Аттестация комиссиясининг қарори

200____йил «____» _____

Аттестация комиссияси раиси _____
(фамилияси, исми, отасининг исми) (имзоси)

Раис ўринбосари _____
(фамилияси, исми, отасининг исми) (имзоси)

Котиб _____
(фамилияси, исми, отасининг исми) (имзоси)

Комиссия аъзолари _____
(фамилияси, исми, отасининг исми) (имзоси)

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

(фамилияси, исми, отасининг исми) (имзоси)

Аттестация варагаси билан танишдим _____ «___» ____ 200____ йил
 (аттестациядан ўтувчи имзоси)

Раҳбар ва педагог кадрларни аттестациядан
 ўтказиш ва уларга малака тоифалари
 бериш тартиби тўғрисидаги низомга
 2-ИЛОВА

**Малака тоифасини бериш тўғрисидаги
СЕРТИФИКАТ**

Серияси _____ №_____

Берилди ушбу сертификат _____ га

(Фамилияси, исми, отасининг исми)

200____ йил «___» _____ даги _____
 (Мувофиқлаштирувчи, туман (шахар), таълим

муассасаси аттестация комиссиясининг номи)

қарори ва _____
 (таълим муассасаси ёки ташкилоти тўлик номи)

200____ йил «___» _____ даги _____ -рақамли буйруги билан
 (кун, ой)

(мутахассислиги ва малака тоифаси, сўз билан)

малака тоифаси берилди.

Аттестация комиссияси раиси _____
 (фамилияси, исми, отасининг исми) (имзоси)

Котиб _____
 (фамилияси, исми, отасининг исми) (имзоси)

М.Ў.

Қайд рақами _____ 200____ йил «___» _____
 (берилган вақти)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙӢ
МУХОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИНИНГ
ҚАРОРИ

20

**Халқ таълими ходимлари асосий лавозимларининг
малака тавсифларини тасдиқлаш тӯғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
18 январда 1541-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 28 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рафбатлантиришни куҷайтириш чора-тадбирлари тӯғрисида» 2005 йил 25 ноябрдаги ПҚ-227-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тӯғрисида» 2005 йил 21 декабрдаги 275-сонли қарорига мувофиқ **қарор қилинади:**

1. «Халқ таълими ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифлари» иловага қўра тасдиқлансин.
2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтган санадан ўн кун қўнгичдан кейин кучга киради.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири О. ОБИДОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 30 декабрь,
105-сон

Халқ таълими вазири Т. ЖЎРАЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 30 декабрь,
42-сон

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази
директори Б. ИСМОИЛОВ**

Тошкент ш.,
2005 йил 30 декабрь,
01-357-сон

Мехнат ва ахолини Ижтимоий муҳофаза
қилиш вазирлиги, Ҳалқ таълими вазирлиги
ва Вазирлар Мажкамаси хузуридаги Давлат
тест марказининг 2005 йил 30 декабрдаги
105, 42 ва 01-357-сон қарори билан
тасдиқланган

Ҳалқ таълими ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифлари

§ 1. Умумтаълим мактаб (интернат, гимназия, лицей) директори лавозимиning малака тавсифлари

1. Умумтаълим мактаб (интернат, гимназия, лицей) директорининг лавозим мажбуриятларига қўйидагилар киради:
 - а) педагогик кенгашга раҳбарлик қилиш, педагогик кенгаш билан биргаликлика ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш, ривожлантириш, такомиллаштириш ва самародорлигини оширишнинг, таълим сифатини яхшилашнинг асосий йўналишларини белгилайди, давлат ва жамоат ташкилотларида мактаб манбаатларини химоя қилади;
 - б) таълим муассасасининг ўйллик ва ойлик иш режаларини тасдиқлайди ва ўқитувчилар томонидан ўқув режаларининг бажарилишини назорат қиласди;
 - в) ўқувчиларнинг мунтазам равишда билим олишларини ташкиллаштиради;
 - г) ўқув жараёнига нисбатан мукаммал ва самарали педагогик технологияларни кўлланишига раҳбарлик қиласди;
 - д) ваколат доирасида таълим муассасаси фаолиятининг молиявий-хўжалик масалаларини ҳал қиласди, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг шаклланиши ва ундан самарали фойдаланишини, ўқув жиҳозлари, қурилмалари ва бошқа таълим воситаларининг сақланишини таъминлайди, мактаб моддий-техника базасини ривожлантириш ишларини ташкиллаштиради;
 - е) мактабнинг педагог кадрларга бўлган эҳтиёжини аниқлайди, кадрларни ташлаш ва жой-жойига қўйишини амалга оширади, педагогик кадрлар аттестациясини ташкил қиласди ҳамда меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомига риоя қилинишини таъминлайди;
 - ё) умумтаълим муассасаси қошидаги маҳсус комиссияга раҳбарлик қиласди;
 - ж) ўқувчилар олаётган билим сифатини Давлат таълим стандартларига мос келишини, тарбиявий ишлар натижадорлигини таъминлайди ва назорат қиласди, педагогик кадрларни рафбатлантириш учун таълим стандартлари талабларининг бажарилишини холис баҳолашни ташкил қиласди;
 - з) ўқувчиларни мактабга қабул қилиш ва кейинги синфга ўтказишни, иш юритишини, таълим тўғрисидаги хужжатлар беришни ташкил қиласди;
 - и) ўқувчиларни дарслклар ва ўқув қўлланмалар билан таъминлаш ишларини ташкил этади, дарслклар билан таъминлашнинг ижара шаклини ривожлантиради ва такомиллаштиради, дарслклар ижарасидан тушган маблағларнинг жамгарилишини назорат қиласди ва уларнинг мақсадга мувофиқ сарфланишини таъминлайди;
 - й) ота-оналар, маҳалла қўмиталари, жамоат ва оталиққа олувчи ташкилотлар билан ўқув-тарбиявий ишларни такомиллаштириш бўйича ҳамкорликни ташкил қиласди;
 - к) болаликни химоя қилиш бўйича, вояга етмаганлар манбаатлари ва хукукларини муҳофаза қилишга оид талабларга риоя қилинишини таъминлайди;

- л) кам таъминланган оилалар фарзандлари бўлган ўқувчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш ишларини, уларни қиши кийим-кечак мажмуаси ва дарсликлар билан бепул таъминлашни ташкиллаштиради;
- м) интернат туридаги умумтаълим муассасаларида ётоқхонага муҳтож ўқувчилар учун керакли яшаш ва овқатланиш шароитларини яратади;
- н) ўқувчиларни энг яхши миллӣ анъаналар, урф-одатлар бўйича тарбиялашга, уларда миллӣ ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштириш асосида юксак маънавий-ахлоқий сифатларни, Ватанига ва халқига содик фуқарони шакллантиришга раҳбарлик қиласи;
- о) ходимларга меҳнат ва малакасини ошириш учун шароитлар яратади, муассаса (мактаб) фаолияти бўйича хисоботлар тузади, буйруқлар чиқаради ҳамда мактаб ходимлари вазифалари, мажбуриятларини белгилайди, улар орасидаги энг фидокорларини тақдирлаш ва рағбатлантиришга тақдим этади, ўз ваколати доирасида интизомий жазо чораларини кўллайди;
- п) меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинишини таъминлади.

2. Умумтаълим мактаб (интернат, гимназия, лицей) директори амалдаги умумий ўрта таълим соҳасидаги, болалар хукуқларини тартибга солувчи норматив-хукуқий хужжатларни, Халқ таълими вазирлигининг мактаб фаолиятини ташкил этиш ва яхшилашга оид бўлган буйруқлари, фармойишлари, низомлари, йўриқномаларини, мактаб фаолияти ва уни ривожлантиришнинг иқтисодий асосларини, жамоани бошқаришнинг самарали усусларини, ўқув ва тарбия сифати, Давлат таълим стандартлари талабларини жорий қилиш натижалари билан боғлиқ ҳолда ходимларни маънавий ва моддий рағбатлантириш тизимлари ва методларини, қадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш усуслари, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тартибини, педагогика, психология, болалар физиологияси, ўқув муассасаси фаолиятига қўйилган санитария-гигиена талаблари, техника хавфсизлиги ва ёнгин хавфсизлигини таъминлаш қоидаларини билиши керак.

3. Умумтаълим мактаб (интернат, гимназия, лицей) директори қўйидагиларни бажара олиши керак:

- а) таълим муассасаси ва ўқитувчилар фаолиятини таҳлил қила олиши, муаммоларини аниқлаши ва уларни ҳал қилишнинг самарали йўлларини топиши;
- б) мактабни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиши, таълим муассасасини бошқаришнинг ташкилий таркибини тузиши, шартномалар тузишни; низомлар, қоидалар, лавозим йўриқномалари ишлаб чиқиши, ишлаб чиқариш мажlisлари, сухбатлар ўтказиши;
- в) педагогик жамоада қулай психологик иқлим яратиши.

4. Умумтаълим мактаб (интернат, гимназия, лицей) директорининг лавозимида қўйидаги малака талаблари кўйилади:

- а) камида бакалавр даражасидаги олий маълумот;
- б) 5 йилдан кам бўлмаган педагогик иш стажи;
- в) малака тоифаси — камида 1-тоифали ўқитувчи.

§ 2. Умумтаълим мактаб (интернат, гимназия, лицей) директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосарни лавозимини малака тавсифлари

5. Умумтаълим мактаб (интернат, гимназия, лицей) директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосарини лавозим мажбуриятларига қўйидагилар киради:

- а) ўқув жараёнини ташкил қиласи, таълим стандартларига мувофиқ ўқув-тарибиявий режалар ва дастурларнинг бажарилишини таъминлайди;
- б) педагогик кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда иштирок этади, педагогик жамоанинг ўқув-методик ишларига раҳбарлик қиласи, ўқитувчиларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштиришни, замонавий педагогик технологияларни жорий қилишни ташкил этади;
- в) педагогик ходимларга методик ёрдамни, жамоанинг ва ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятини таҳлил қилишни ташкил қиласи ва амалга оширади;
- г) ўқитувчилар фаолиятининг йиллик, чораклик ва ойлик режаларини тасдиқлайди ва бажарилишини назорат қиласи, ўқитувчилар фаолиятининг тасдиқланган режаларига мос равишда иш вакти хисобини олиб боради, дарслар, имтиҳонлар жадвали ва бошқа ўқув тадбирларини ишлаб чиқади;
- д) мактабда назорат ишларини ташкил этади, таълим стандартлари талаблари бажарилишининг, ўқувчиларнинг ўзлаштириши ва хулқининг мониторингини амалга оширади, факультатив машғулотлар ва фанлар тўгаракларининг ишлашини ташкил қиласи;
- е) ўқув хоналарини намойиш ва техник таълим воситалари билан, кутубхоналарни эса — китоблар, журналлар, газеталар ва бошқа ахборот манбалари билан жиҳозланишига раҳбарлик қиласи;
- ё) ўқув фанлари бўйича методик материаллар ишлаб чиқилишини, ёш мутахассисларга методик ёрдам беришни, ўқитувчилар малакасини, касбий маҳоратини ошириш ишларини олиб боради, ўқувчиларнинг ўқув юкламасини такомиллаштиради;
- ж) синф журналларини юритиш ва сақланишини таъминлайди, синф раҳбарлари фаолиятига раҳбарлик қиласи, ўқув ишлари ҳолати ва натижалари тўғрисида ҳисоботларни тузади, ота-оналар билан ҳамкорликни ташкил этади;
- з) техника хавфсизлиги қоидаларига, санитария-гигиена тартибига, педагогик ходимлар меҳнатини ва ўқувчиларни муҳофаза қилиш қоидалари талабларига риоя қилишни таъминлайди;
- и) директор ўқулигига унинг лавозим вазифаларини бажаради.

6. Умумтаълим мактаб (интернат, гимназия, лицей) директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари амалдаги умумий ўрта таълим соҳасидаги, болалар хукуқларини тартибига солувчи норматив-хуқуқий хужжатларни, Халқ таълими вазирлигининг мактаб фаолиятини ташкил этиш ва яхшилашга оид бўлган буйруқлари, фармойишлари, низомлари, ўриқномаларини, жаҳон ва ватан педагогик фанлари ва амалиёти, бошқариш психологияси ютуқларини, мактаб фаолияти ва уни ривожлантиришнинг педагогик ва иқтисодий асосларини, таълим стандартларининг талабларини ва унинг мазмуни, жамоани бошқаришнинг самарали усуслари, ходимларни маънавий ва моддий рағбатлантириш тизимлари ва методлари, илғор педагогик технологиялар ва уларни татбиқ этиш методларини, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш усуслари, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тартиби, техника хавфсизлиги ва ёнгин хавфсизлигини таъминлаш қоидаларини билиши керак.

7. Умумтаълим мактаб (интернат, гимназия, лицей) директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари қўйидагиларни бажара олиши керак:

- а) таълим муассасаси ва ўқитувчилар фаолиятини таҳлил қила олиши, муаммоларини аниқлаши ва уларни ҳал қилишнинг самарали йўлларини топиши;
- б) мактабни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиши, таълим муассасасини бошқаришнинг ташкилий таркибини тузиши, методик тавсиялар, ўқув режалари

ва дастурлар, қоидалар, низомлар, лавозим йўриқномаларини ишлаб чиқиши, ишлаб чиқариш мажлислари, сухбатлар ўтказиши;

в) таълим муассасаси фаолиятини замонавий технологиялар асосида мониторинг қилиши, ўқув жараёнида илфор педагогик ва ахборот технологияларни қўллашни;

г) педагогик жамоада қулай психологик иқлим яратиши.

8. Умумтаълим мактаб (интернат, гимназия, лицей) директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосарини лавозимига қўйидаги малака талаблари қўйилади:

а) камида бакалавр даражасидаги олий маълумот;

б) 5 йилдан кам бўлмаган педагогик иш стажи;

в) малака тоифаси — камида 1-тоифали ўқитувчи.

§ 3. Умумтаълим мактаб (интернат, гимназия, лицей) директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари лавозимини малака тавсифлари

9. Умумтаълим мактаб (интернат, гимназия, лицей) директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарини лавозим мажбуриятларига қўйидагилар киради:

а) таълим муассасасида маънавий-ахлоқий тарбиявий ишларни ташкил қиласди, тарбиявий ишларнинг ўйллик ва ойлик режаларини ишлаб чиқади, синф раҳбарлари амалга оширадиган тарбиявий ишлар режаларининг бажарилишини назорат қиласди;

б) «Миллий истиқлол фояси ва маънавият асослари» мажмуасига кирувчи фанлар бўйича таълим стандартларининг талабларининг бажарилишини назорат қиласди, шу фанлар бўйича ўзлаштириш, ўқувчиларнинг давомати ва хулки, тарбиявий тадбирларнинг сифати ва самарадорлиги мониторингини амалга оширади, мактабда тўғараклар ва спорт секцияларининг фаолият юритишини таъминлайди;

в) миллий анъаналар, тарихий қадриятлар ва буюк аждодлар мисоли асосида ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларини ташкил ва назорат қиласди, ўқувчилар билан олиб бориладиган синфдан ташқари, экскурсия ва маданий оммавий ишларни мувофиқлаштиради;

г) педагогик жамоанинг таътил пайтидаги фаолиятини, жумладан ёзги ўқув таътили даврида ўқувчиларнинг кундузги дам олиш оромгоҳларида дам олиши билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштиради;

д) таълим муассасаси ўқув ва бошқа хоналарини ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига оид масалаларни ҳал қилишга хизмат қилувчи кўргазмали ташвиқот ва тарғибот воситалари билан жиҳозлашни ташкил қиласди, мактаб кутубхонасининг маърифий ва тарбиявий ишларини мувофиқлаштиради ва йўналтиради;

е) синф раҳбарларининг ишларини ташкил қиласди, илфор педагогик тажриба алмашиш бўйича ишларини мувофиқлаштиради, тарбиявий ишлар сифати ва натижаларини таҳлил қиласди;

ё) педагогик кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда иштирок этади, юқори малакали ўқитувчиларнинг илфор педагогик тажрибасини ўрганади, умумлаштиради ва тарқатади;

ж) тарбиявий ишлар бўйича методик материаллар ишлаб чиқиши, ёш мутахассисларга методик ёрдам кўрсатишни ташкил қиласди, ўқитувчиларнинг касб маҳоратини, малакасини ошириш ишларини олиб боради;

з) синф раҳбарларининг синфдан ва мактабдан ташқари олиб борадиган тар-

биявий фаолиятига раҳбарлик қилади, таълим муассасаси тарбиявий ишлари ҳолати ва натижалари тўғрисида ҳисботлар тузади, ота-оналар билан ҳамкорликни ташкил қилади;

и) техника хавфсизлиги қоидаларига, санитария-гигиена тартибига, педагогик ходимлар меҳнатини ва ўқувчиларни муҳофаза қилиш қоидалари талабларига риоя қилишни таъминлайди.

10. Умумтаълим мактаб (интернат, гимназия, лицей) директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари амалдаги умумий ўрта таълим соҳасидаги, болалар ҳуқуқларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, Халқ таълими вазирлигининг мактаб фаолиятини ташкил этиш ва яхшилашга оид бўлган бўйруқлари, фармойишлари, низомлари, йўриқномаларини, жаҳон ва ватан педагогик фанлари ва амалиёти, бошқариш психологияси ютуқларини, болаларни ватан-парварлик руҳида тарбиялаш маънавий-ахлоқий тарбиялаш методикаларини, ўз халқи тарихини, мактаб фаолияти ва уни ривожлантиришнинг педагогик ва иқтисодий асосларини, таълим стандартлари талаблари ва унинг мазмунини, жамоани бошқаришнинг самарали усуслари, ходимларни маънавий ва моддий рафбатлантириш тизимлари ва методларини, илфор педагогик технологиялар ва уларни татбиқ этиш методларини, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш усусларини, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тартибини, техника хавфсизлиги ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш қоидаларини билиши керак.

11. Умумтаълим мактаб (интернат, гимназия, лицей) директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари қўйидагиларни бажара олиши керак:

а) таълим муассасаси ва ўқитувчilar фаолиятини таҳлил қила олиши, муаммоларини аниқлаши ва уларни ҳал қилишнинг самарали йўлларини топиши;

б) мактабнинг тарбиявий тадбирлар сценарийларини ва тарбиявий ишлар ревжалари, дастурларини ишлаб чиқади, методик тавсиялар, ўқув режалари ва дастурлар, қоидалар, низомлар, лавозим йўриқномаларини ишлаб чиқиши; ишлаб чиқариш мажлислари, сухбатлар ўтказиши;

в) таълим муассасаси фаолиятини замонавий технологиялар асосида мониторинг қилиши, ўқув жараёнida илфор педагогик ва ахборот технологияларни қўллашни;

г) педагогик жамоада қулай психологик иқлим яратишни.

12. Умумтаълим мактаб (интернат, гимназия, лицей) директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарига қўйидаги малака талаблари қўйилади:

а) камида бакалавр даражасидаги олий маълумот;

б) З йилдан кам бўлмаган педагогик иш стажи;

в) малака тоифаси — камида 2-тоифали ўқитувчи.

§ 4. Ҳарбий тайёргарлик раҳбари лавозимининг малака тавсифлари

13. Ҳарбий тайёргарлик раҳбарининг лавозим мажбуриятларига (штат рўйхатида «Ҳарбий тайёргарлик» лавозими бўлмаган тақдирда унинг мажбуриятлари директор ва директорнинг ўқув ишлари ўринбосари орасида тақсимланади) қўйидагилар киради:

а) юқори синф ўқувчиларини ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, Ўзбекистон Республикаси Куролли кучларининг шонли анъаналарини ўрганиш ишларини ташкил этади;

б) тасдиқланган дастурларга мувофиқ ўқувчиларнинг чақириқдан олдинги ҳарбий, жумладан тиббий тайёргарлигини амалга оширади, ўқув машфулотларни олиб

боради, ўқувчиларни машғулотлардаги давоматини ҳисобини юргизади, ўқув материалларини ўзлаштиришини назорат қиласи, ҳар бир ўқувчининг қобилиятларини ўрганади, ўқув-тарбиявий ишларни такомиллаштиришга оид таклифлар киритади, янги, янада илгор таълим ва тарбия шакл ва усулларни амалга оширади;

в) жисмоний тарбия ўқитувчилари билан ҳамкорликда ҳарбий-спорт ўйинлари, мусобақалари ўтказади, ҳарбий қасблар асосларини ўрганиш тўгаракларини бош-каради;

г) туман (шахар) ҳарбий комиссариатларига ўқувчиларнинг чақириққача ҳарбий ҳисобга қўйишга қўмаклашади;

д) фуқаролар мудофааси ва фавқулодда вазиятларда ҳимоялаш тадбирларига раҳбарлик киласи;

е) ўқувчиларни чақириқдан олдин тайёргарликдан ўтишларида қўлланиладиган шахсий ҳимоя воситалари, ҳарбий техникага оид қўргазмали қўлланма ва бошқа материалларни талаб даражасида сақлаш ва фойдаланишга тайёрлигини таъминлайди;

ё) техника хавфсизлиги қоидларига, машғулотларда санитария-гигиена тартибига риоя қилишни таъминлайди.

14. Ҳарбий тайёргарлик раҳбари умумий ўрта таълим соҳасидаги, болалар хукуқларини тартибга солувчи норматив-хукуқий ҳужжатларни, Халқ таълими вазирлигининг мактаб фаолиятини ташкил этиш ва яхшилашга оид бўлган буйруқлари, фармойишлари, низомлари, йўриқномаларини, Мудофаа вазирлиги ва Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ўқувчиларни ҳарбий чақириққача масалалар ва фавқулодда холларда хавфсизликни таъминлаш бўйича буйруқлари, фармойишлари, низомлари, йўриқномалари ва норматив ҳужжатларини; давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини, жаҳон ва ватан педагогик фанлари ва амалиёти, бошқариш психологияси ютуқларини, болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш маънавий-ахлоқий тарбиялаш методикаларини, ўз ҳалқи тарихини, умумтаълим ўқув муассасаларида ҳарбий тайёргарликни ўқитиш методлари ва мазмуни хусусиятларини, илгор педагогик технологиялар ва уларни амалга татбиқ этиш усулларини билиши керак.

15. Ҳарбий тайёргарлик раҳбари тасдиқланган дастурларга мувофиқ ўқувчилар билан педагогик ва тарбиявий ишларни бажара олиши керак.

16. Ҳарбий тайёргарлик раҳбари лавозимига кўйидаги малака талаблари қўйилади:

а) олий ёки ўрта ҳарбий маълумот ёки камидаги ўрта маҳсус маълумот;

б) захирадаги зобитлиги ёки Қуролли кучларда муддатли ҳарбий хизматни ўтаганлиги.

§ 5. Ўқитувчи лавозимининг малака таснифлари

17. Ўқитувчи лавозимининг мажбуриятларига қўйидагилар киради:

а) Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларига мувофиқ тегишли фан бўйича дарслар, машғулотларга тайёргарликни ва уларни ўтказишини таъминлайди;

б) ўқувчиларни ўзлаштирган билимларини амалиётда мустакил қўллай олишга тайёрлайди, таълим стандартларига мувофиқ ўқувчиларнинг ўқув материалини ўзлаштиришларини холисона мунтазам баҳолашларини таъминлайди;

в) Давлат таълим стандартларига мувофиқ дастур материалларини юкори даражада ўзлаштиришни таъминлайди, билимларни ўзлаштиришда нуқсонлари бўлган ўқувчилар билан гурухлар бўйича ва индивидуал иш олиб боради;

г) факультатив машғулотлар ўтказади, фан тўгаракларида ишлаш, фанлар

олимпиадалариға, турли танловларга ва фестивалларга ўқувчиларни тайёрлашни амалга оширади, ўқувчиларда билим ва кўникмаларни шакллантиради, уларни маънавий-ахлоқий тарбиялашни амалга оширади;

д) ўқувчилар фойдаланадиган дарслерлар ва ўқув-методик адабиётлар билан таъминланишни ва уларнинг сақланишини назорат қилади;

е) ўқувчиларнинг давомат ва ўзлаштириш ҳисобини олиб боради, уларнинг мактаб низоми талабларига риоя қилишларини таъминлайди;

ё) ўқувчилар хукуқларига ва болаларни муҳофаза қилишгага оид қонунчилик талабларига риоя қилади;

ж) жорий, оралиқ ва якуний тестлар (назорат сўрови), имтихонлар ўтказади, ўқувчиларнинг ёзма ишлари ва дафтарларини текширади;

з) ҳар бир дарс режаларини, дарс ўтказиш учун зарур бўлган дидактик тарқатма ва кўргазма материалларни ишлаб чиқади;

и) ўзига бириткирилган синф хоналари, кабинетлар, лабораториялардаги қурилмалар, техник воситалар, мулк ва бошқа моддий бойликларни сақланишини ва улардан ўқув-методик мақсадларда самарали фойдаланишни таъминлайди, унга топширилган мулк, ўқув қурилмалари, инвентарь ва таълим техник воситаларини ўрнатилган тартибда ишга яроқли холатда тутади;

й) педагогик кенгаш, методик кенгаш, семинарлар, тренинглар, мажлисларда, навбатчиликларда, очик дарсларда, ҳисботлар тузишда ва методик материаллар ишлаб чиқишида иштирок этади;

к) ўқув қурилмаларидан фойдаланганда техника хавфсизлиги қоидалари ва санитария-гигиена талабларига риоя қилади;

л) педагогик ахлоқ нормалариға риоя қилади, ота-оналар билан иш олиб боради, уларнинг фарзандларини тарбиялаш ва ўқитиши масалалари бўйича индивидуал учрашувлар ва сухбатлар ўтказади; мактаб психологи билан ўқувчилар шахсини ривожлантириш, касбга йўналтириш ва касбгача тайёрлаш масалалари бўйича иш олиб боради;

м) мактабга биркитилган микроучасткадаги фаолият, махалла фаоллари билан болаларни биринчи синфда ўқитишига тўлиқ қамраб олиш, 9-синф ўқувчиларини таълимни кейинги босқичларига жалб қилиш масалалари билан шуғулланади;

н) касб маҳоратини муттасил ошириб боради, ўз фаолиятига илфор таълим методларини ўрганади ва амалга оширади, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоми қоидаларига риоя қилади;

18. Ўқитувчи «Таълим тўғрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастири тўғрисида»ги қонунларни, ўзининг ўқув фанига оид бўлган таълим тизимини тако-миллаштириш масалалари бўйича хукумат қарорларини, Халқ таълими вазирлиги буйруқларини, Давлат таълим стандартларини, ўзи ўқитадиган ўқув фанининг илмий-назарий асослари, унинг мазмуни ва амалда кўлланилишини, ўқувчиларни ўқитиши ва тарбиялашнинг илфор шакллари ва интенсив усусларини, дидактик та-мойилларни, ўқитаётган фан бўйича дарс ўтказиш методикаси ва ташкил қилиш тартибини, ўқувчилар билимини баҳолашнинг замонавий, самарали шакллари, назорат усусларини, тестдан ўтказиш ва баҳолаш мезонларини; ўқувчиларнинг фаоллиги ва ўзлаштиришини баҳолашнинг рейтинг тизимини; педагогикани, ёш психологияси ва физиологиясини, ўқув жараёни техник воситаларини амалиётда кўллашни, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги, мактабда гигиена қоидаларини билиши керак.

19. Ўқитувчи лавозимига қўйиладиган умумий малака талабларига қўйидаги-лар киради:

а) бошлангич синф ўқитувчилари учун бошлангич таълим ихтисослиги бўйича камида ўрта маҳсус педагогик маълумот;

б) фан ўқитувчи учун фан йўналишига тўғри келувчи камида ўрта маҳсус маълумот.

20. Ўқитувчига иккинчи малака тоифасини бериш қўйидаги асосий кўрсаткичлар билан аниқланади:

а) педагогик ходим малакаси — билим ва кўникмаларни баҳолашнинг стандарт талаблардан юкори бўлган педагогика назарияси, психология ва ёшлар физиологияси асослари, ўқиладиган фаннинг базавий компоненти мазмуни, таълим ва тарбия методикаси билан аниқланади;

б) педагогик ходимнинг маҳорати — таълим жараёнида қулай микроқўлим яратиш, амалий фаолиятда таълим жараёнининг хилма-хиллигини (вариантлилигини) таъминловчи ўқитиши методлари, усуслари ва воситаларини қўллай олиш, педагогик диагностика қўлланилаётган оддий методлари ва воситалари, ўқувчилар жамоасини тоифалашнинг асосий шакллари, ўқувчиларнинг англаш ва муомала (коммуникатив) маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий методлари билан аниқланади;

в) педагогик ходим меҳнати самарадорлиги — педагог бевосита мулоқот қила-диган ўқувчилар гурухини ахил жамоа сифатида сақлашга имкон берувчи амалий иш фаолияти; ўқувчиларни Давлат таълим стандартларига мос ҳолда олишини таъминлаш орқали аниқланади;

г) ўқитувчи лавозимида камида 3 йил иш стажига эга бўлиши керак.

Магистр даражасига эга бўлган педагогик ходимга аттестация ўтказилмасдан иккинчи малака тоифаси берилади.

21. Биринчи малака тоифасини бериш қўйидаги асосий кўрсаткичлар билан аниқланади:

а) педагогик ходим малакаси — билим ва кўникмаларни баҳолашнинг стандарт талаблардан юкори бўлган таълим жараёни индивидуаллаштириш технологияси, психологик-педагогик диагностиканинг замонавий усуслари ўқиладиган фаннинг базавий компоненти мазмуни, турли даражада ўқитиши олиб бориш имконини берадиган назарий билимлар даражаси билан аниқланади;

б) педагогик ходимнинг маҳорати — ўқув-тарбия жараёни мазмуни, методлари ва шаклларини танлашда ўқувчиларнинг психологик хусусиятларини хисобга ола билиш, ривожланишлари, майллари, кобилиятлари, қизиқишлари ва соғликлари даражаси турлича бўлган ўқувчилар тоифаларини хисобга олган ҳолда педагогик масалаларни ҳал қилишга ва амалий фаолиятда замонавий педагогик технологияларни, шахсни ривожлантириш педагогикаси технологиялари элементларини, фан бўйича ўқув-методик ишларни таҳлил қилиш методикаларини қўллашга қодирлик билан аниқланади;

в) педагогик ходим меҳнати самарадорлиги мактаб ижтимоий ҳаётида фаол қатнашиши; малака ошириш курсларини мунтазам ўташи; вилоят ёки туман (шахар) даражасида илмий-методик тадбирларида фаол қатнашиши; унинг тажрибалари вилоят ёки туман (шахар) даражасида оммалаштирилганлиги, шунингдек ўқувчилари иккинчи тур фан олимпиадаларида, вилоят ёки туман даражасидаги кўрик танловларида, спорт мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаганлиги (бундай фан олимпиадалари ва тадбирлар ўтказилмайдиган бошлангич синф ва фан педагоглари бундан мустасно) орқали аниқланади;

д) иккинчи тоифали ўқитувчи лавозимида камида 3 йил иш стажига эга бўлиши керак.

Ўрта маҳсус маълумотга эга педагогик ходимга аттестация натижалари бўйича истисно ҳолларда, биринчи малака тоифаси берилиши мумкин.

22. Олий малака тоифасини бериш қўйидаги асосий кўрсаткичлар билан аниқланади:

а) педагогик ходимнинг малакаси — кўрсаткичи педагогик фан ва амалиётнинг, ўз билим соҳасининг энг янги ютуқларини ўзлаштириш, амалий масалаларни ижодий ҳал қилиш билан аниқланади;

б) педагогик ходим маҳорати — кўрсаткичи таълим ва тарбиялаш методлари, воситалари, шаклларини оптималь танлашни амалга ошира олиш ёки тарқатишга тавсия берилиши мумкин бўлган педагогик технологиялар ёки уларнинг элементлари ни мустақил равища ишлаб чиқиш, синааб кўриш ва муваффақиятли қўллаш, ўкувчиликнинг ижодий имкониятларини юзага чиқариш учун шароитлар яратиш билан аниқланади;

в) педагогик ходим меҳнати самарадорлиги — мактаб ижтимоий ҳаётида фаол қатнашиши; малака ошириш курсларини мунтазам ўташи; вилоят ёки туман (шахар) даражасида илмий-методик тадбирларида фаол қатнашиши; унинг тажрибалари республика ёки вилоят даражасида оммалаштирилганлиги, шунингдек, ўкувчиликни иккинчи ёки учинчи тур фан олимпиадаларида, ҳалқаро, республика ва вилоят даражасидаги кўрик танловларида, спорт мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаганлиги (бундай фан олимпиадалари ва тадбирлар ўтказилмайдиган бошланғич синф ва фан педагоглари бундан мустасно) орқали аниқланади.

г) биринчи тоифали ўқитувчи лавозимида камиди З йил иш стажига эга бўлиши керак.

§ 6. Мактаб психологи лавозимининг малакавий таснифлари

23. Мактаб психологининг лавозим мажбуриятларига қўйидагилар киради:

а) ўкувчиларнинг (тарбияланувчиларнинг) муассасаларда тарбиялаш ва ўқитиши жараёнида руҳий, жисмоний (соматик) ва ижтимоий фаровонлигини муҳофаза қилишга йўналтирилган касбий фаoliyатни амалга оширади;

б) бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Конвенцияга мувофиқ шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилишга кўмаклашади, таълим муассасаси ижтимоий соҳасини ўйунилаштиришга кўмаклашади ва ижтимоий жиҳатдан кўнига олмаслик ҳолларини юзага келишининг олдини олиш бўйича тадбирларни амалга оширади;

в) ўкувчилар (тарбияланувчилар) ривожланишига тўсқинлик қилаётган омилларни аниқлайди ва турли кўринишдаги психологик ёрдам (психокоррекция, реабилитация ва маслаҳат) бериш бўйича тадбирлар амалга оширади, ўкувчилар (тарбияланувчилар), ота-оналар (уларнинг ўрнидаги кишилар), педагогик жамоага аниқ муаммоларни ҳал қилишда ёрдам беради;

г) турли йўналиш ва мақсадлардаги психологик диагностикани ўтказади, руҳий, жисмоний ва ақл, қобилият, мойиллик, имконият каби сифатларни аниқлаш учун тестлар режалаштиради ва ўтказади, тест натижаларини таҳлил қиласди ва баҳолайди;

д) болаларни биринчи синфга қабул қилиш комиссияси таркибида болаларни 6 ёшдан ўқишига тайёрлигини аниқлашда иштирок этади;

е) ўқитувчилар жамоаси ва ота-оналарга ўкувчиларнинг (тарбияланувчиларнинг) шахс ва ижтимоий жиҳатдан ривожланиши муаммолари бўйича йўналиш бериш мақсадида ўрганиш натижаларига кўра психологик-педагогик хулоса тузади;

ё) ўрнатилган шаклда хужжатлар юргизади ва белгиланган мақсадларда улар-

дан фойдаланади, ўкувчилар (тарбияланувчилар) шахсининг индивидуал ва ёш-жинс хусусиятларини ҳисобга олиб таълим фаолиятини ривожлантирувчи ва тузатувчи дастурларни режалаштириш ва ишлаб чиқиша иштирок этади, уларда ҳаётий ва касбга йўналиш олишнинг турли вазиятларига мослашувчанликка тайёргарликни ривожлантиришга кўмаклашади;

ж) ижодий иқтидорли ўкувчиларни (тарбияланувчиларни) психологик жиҳатдан қўллади, уларнинг ривожланиши ва изланишларига кўмаклашади, ўкувчиларнинг (тарбияланувчиларнинг) ривожланишидаги (аклий, жисмоний, хиссий), турли кўринишдаги ижтимоий ривожланишга таалукли четланишлар даражасини аниқлайди ва уларни психологик-педагогик жиҳатдан тузатишни амалга оширади;

з) ўкувчилар (тарбияланувчилар), педагогик жамоа, ота-оналар (уларнинг ўрнидаги кишилар) психологик ва жинсий тарбия маданиятини шакллантиради, таълим муассасаси ходимларини ўкувчилар (тарбияланувчилар), педагогик ходимлар, ота-оналар (уларнинг ўрнидаги кишилар) ижтимоий-психологик хабардорлик даражасини оширишга йўналтирилган психологияни амалда қўллаш, муассасанинг ривожланиши масалаларида маслаҳатлар беради;

24. Мактаб психологи қўйидагиларни билиши керак:

а) «Таълим тўғрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунларни, хукуматнинг тегишли қарорлари ва фармойишлари, Халқ таълими вазирлигининг буйруклари, меъёрий, кўрсатма ва ахборот материаллари, таълим бўйича статистик материаллар, мактаб низомини;

б) жамоадаги ижтимоий-психологик иқлимга таъсир кўрсатувчи омилларни, умумий ва ижтимоий психология, ёш психологиясини, тиббий психология, мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар психологияси хусусиятлари, болалар нейропсихологияси, психодиагностика ютуқлари, индивидуал фарқ психологияси, мухандислар психологияси, дефектология асослари, психотерапия, сексология, психогигиена, касбга йўналтириш, касбшунослик ва меҳнат психологияси, тестлаш методологияси ва методикаси, психопатология, индивидуал ва гурухлар бўйича касбга маслаҳат беришнинг замонавий методлари, боланинг нормал ва нотўри ривожланишини ташхислаш ва тузатишни; хулқ этикаси ва маданиятини;

в) тадқиқот ишларини ўтказиш технологиясини, тадқиқот натижаларини компьютерда қайта ишлашни, психодиагностиканинг долзарб илмий маълумотларини;

г) ўкувчиларни (тарбияланувчилар) меҳнати муҳофазаси, соғлигини сақлаш, касбга йўналтириш, бандлиги масалаларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар ва уларнинг ижтимоий муҳофазасини.

25. Мактаб психологи қўйидагиларни бажара олиши керак:

а) энг муҳим муаммоларни аниқлай олиши ва уларни ҳал қилишнинг самарали йўлларини топиш;

б) лавозим мажбуриятлари доирасига кирувчи масалалар бўйича мажлислар, сухбатлар ўтказиш, маслаҳатлар бериш.

26. Мактаб психологи лавозимига қўйидаги малака талаблари кўйилади:

а) камида бакалавр даражасидаги маҳсус психологик ёки педагогик маълумот;

б) амалий иш стажи талаб қилинмайди.

§ 7. Педагог-ташкилотчи лавозимининг малака таснифлари

27. Педагог ташкилотчининг лавозим мажбуриятларига қўйидагилар киради:

а) ўкувчиларнинг синфдан ва мактабдан ташқари машғулотларини, олимпиадалар, кўриклар, танловлар, мусобақалар ташкил қилади;

- б) тўғарак ва секциялар ишларини мувофиқлаштиради;
 - в) маданий-оммавий ишларни, ўйинларни, чиқишларни, танловлар ва бадиий ҳаваскорлик кўрикларига режиссёрлик қилади ва ўтказади, қўшиқ ва рақсларни ўргатади;
 - г) таътил кунларида ўқувчиларнинг бўш вақти ва дам олишини самарали ўтказиши ташкил қилади, экспурсиялар, диққатга сазовор жойларга сафарлар, музейларга саёхатлар уюстиради;
 - д) ўқувчиларда Ватанг, миллий анъаналар ва халқнинг урф-одатларига, буюк олимлар, санъат, маданият ва спорт усталарига хурмат, содиклик ва фахрланиш хиссиятини тарбиялайди;
 - е) мактаб тарбиявий ишлари режасига мувофиқ ўқитувчилар, жумладан синф раҳбарлари ва бошқа педагог ходимлар билан биргаликда фоявий-тарбиявий ишларни, спорт-оммавий ва маданий тадбирларни ўтказишида иштирок этади;
 - ё) ўйинлар, аттракционлар ва бошқа оммавий-маданий, тарбиявий тадбирларни ўтказиш бўйича услубий материалларни ишлаб чиқади;
 - ж) ўз лавозим мажбуриятларини бажаришда «Камолот» ёшлар ижтимоий харати, маданият марказлари, кинотеатрлар, музейлар, истироҳат боғлари, спорт иншоотлари, секциялар, махаллалар, «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» жамғармалири ва бошқа мактабдан ташқари муассасалар ходимлари билан ҳамкорлик қилади.
28. Педагог ташкилотчи «Таълим тўғрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунларни, таълим стандартлари талаблари ва мазмуни, хукуматнинг тегишли қарорлари, Халқ таълими вазирлигининг тарбиялаш, синфдан ва мактабдан ташқари ишлар бўйича бўйруқлари, меъёрий, методик ва ўриқнома хужжатларини, тарбиявий ишлар концепциясини ҳамда педагогикани, психологияни, мактабдан ташқари муассасалар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни ривожлантириш йўналишларини билиши керак.

29. Педагог ташкилотчи қўйидагиларни бажара олиши керак:

- а) ўқувчилари тўғараклардаги машгулотларга, спорт секцияларига, мусобакаларга қатнашишга, оммавий тадбирларга қизиқтириш; сухбатлар, мажлислар ўтказиш; керакли ҳужжатларни тузса олиш;
- б) меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги қоидаларини билиш ва уларга риоя қилиш.

30. Педагог ташкилотчига қўйидаги малака талаби қўйилади:

- а) камида ўрта маҳсус педагогик маълумот.

- б) амалий иш стажи талаб қилинмайди.

§ 8. Ўқитувчи-дефектолог, ўқитувчи-логопед лавозимининг малака таснифлари

31. Ўқитувчи-дефектолог, ўқитувчи-логопед лавозимининг мажбуриятларига қўйидагилар киради:

- а) ўқувчиларда (тарбияланувчиларда) ривожланишдан четланишларни иложи борича тузатишга қаратилган ишларни олиб боради, ўқувчиларни (тарбияланувчиларни) текширади, уларда мавжуд бўлган нуқсон таркиби ва ифодаланиш даражасини аниқлайди;
- б) ўқувчиларнинг (тарбияланувчиларнинг) руҳий-жисмоний ҳолатини хисобга олган ҳолда машғулотлар ўтказиш учун гурухлар ташкил қилади, гурухлар билан ва индивидуал тартибда ривожланишдаги четланишларни тузатиш, носоз функцияларни тиклаш бўйича машғулотлар ўтказади;

в) ўқитувчилар ва тарбиячилар билан яқин ҳамкорликда ишлайди, машғулот ва дарсларда иштирок этади, педагог ходимлар ва ота-оналарни (уларнинг ўрнидаги кишиларни) ривожланишда четланишлар мавжуд бўлган болаларга ёрдам кўрсатишнинг маҳсус методлари ва усувларини қўллаш бўйича маслаҳатлар беради, зарур хужжатларни юргизади;

г) шахснинг умумий маданиятини шакллантиришда, унинг ижтимоийлашишида, касбий дастурларни онгли равишда танлаш ва ўзлаштиришда кўмаклашади, давлат стандартлари доирасида таълим беришнинг турли шакллари, усувлари, методлари ва воситаларини қўллайди, таълим дастурларини амалга оширади.

д) ўқувчиларнинг (тарбияланувчиларнинг) «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конунидаги, болалар хуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияда белгиланган хуқуқларга риоя қилиш ва эркинликларини таъминлаш;

е) ўз касбий малакасини мунтазам равишда ошириб боради, методик уюшмалар фаолиятида ва бошқа қўринишдаги методик ишларда қатнашади;

ё) ота-оналар (уларнинг ўрнидаги кишилар) билан муносабатни амалга оширади, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги ва ёнгиндан муҳофаза қилиш қоида ва нормаларини бажаради, таълим жараёнида ўқувчиларнинг ҳаётини ва соғлигини муҳофаза қилишни таъминлади.

32. Ўқитувчи-дефектолог, ўқитувчи-логопед «Таълим тўғрисида»ги «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунларни, хукуматнинг тегишли қарорлари ва фармойишлари, Халқ таълими вазирлигининг буйруқлари, мөъёрий, кўрсатма ва ахборот материаллари, таълим бўйича статистик материалларни, болалар хуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияни; маҳсус ва ёшлар педагогикаси ва психологиясини; дефектологиянинг анатомик-физиологик ва клиник асосларини, ўқувчилар (тарбияланувчилар) ривожланишидаги четланишларнинг олдини олиш ва тузатишнинг методлари ва усувларини; ривожланишда четланишлар мавжуд бўлган ўқувчилар (тарбияланувчилар) билан ишлашда қўлланиладиган дастурий-методик адабиётларни; дефектология фанининг энг янги ютуқларини, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги ва ёнгиндан муҳофаза қилиш қоида ва нормаларини билиши керак.

33. Ўқитувчи-дефектолог, ўқитувчи-логопед лавозимига қўйиладиган малака талабига қуидагилар киради:

- олий маълумотли дефектолог ёки логопед;
- иш стажига талаб қилинмайди.

§ 9. Услубиётчи лавозимининг малака таснифлари

34. Услубиётчи лавозимининг мажбуриятларига қўйидагилар киради:

а) таълим муассасалари, методик кабинетлар (марказлар) методик ишларни ташкил қиласди, муассасалардаги ўқув-методик ва тарбиявий ишларнинг ҳолатини ва уларнинг Давлат таълим стандартларига мослигини таҳлил қиласди ва самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади, қўшимча таълим муассасаларида ўқув гурухлари, тўгараклар ва ўқувчилар уюшмаларини шакллантиришда иштирок этади, педагог ходимларга ўқитиш мазмуни, шакллари, усувлари ва воситаларини аниқлашда ёрдам беради;

б) методик ва ахборот материалларини ишлаб чиқишида, таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириши ташхислаш, башоратлаш ва режалаштиришда иштирок этади;

в) таълим муассасалари педагогик ходимларига тегишли фаолият йўналишлари

бўйича маслаҳат ва амалий ёрдам кўрсатади, тегишли йўналишлар бўйича ходимлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашни ташкил этишда иштирок этади;

г) ўкув, ўкув-тематик режалар, фанлар ва ўкув курслари бўйича дастурлар тузади;

д) ўкув-методик хужжатлар, қўлланмалар (ўкув фанлари, курилмалар намунивий рўйхати, дидактик материаллар ва ҳоказо) ишлаб чиқишни, уларга тақриз беришни ва тасдиқлашга тайёрлашни ташкиллаштиради;

е) муассасанинг тажрибавий ишлари натижаларини таҳлил қилади ва умумлаштиради, муассаса раҳбар ва мутахассисларининг энг натижадор тажрибасини умумлаштиради ва уни тарқатиш тадбирларини амалга оширади;

ё) педагогик ходимларнинг методик уюшмалари ишларини ташкил қилади ва мувофиқлаштиради, конференциялар, семинарлар, танловлар, кўргазмалар, олимпиадалар, слётлар, мусобақалар ва ҳоказоларни ўтказиш бўйича зарур хужжатларни ишлаб чиқади;

ж) таълим мазмунини экспертиза қилиш ва илмий-методик таъминлаш бўйича ишларни ташкил этади, истиқболда дарсликлар, ўкув қўлланмалари, методик материаллар нашр қилиш режаларини тузишда, муаллифларни танлашда иштирок этади, методик кабинетлар ва таълим муассасаларини нашр этилаётган дарсликлар, ўкув қўлланмалари, видеоматериаллар, аудиовизуал ва бошқа ўқитиш воситалари хусусида хабардор қилади ва муассасаларнинг уларга бўлган эҳтиёжини таҳлил қилади;

з) янги педагогик технологиялар тажрибаси тўғрисидаги маълумотларни ўрганиди, ўқитиш ва тарбиялашнинг илфор технологияларини амалга ошириши ташкил қилади.

35. Услубиётчи қўйидагиларни билиши керак:

а) «Таълим тўғрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги конунларни, таълим стандартлари мазмуни ва талабларини, Халқ таълими вазирлигининг ўқитиш методикаси ва тарбиявий ишлар масалалари бўйича буйруқлари, фармойишлари, методик, меъёрий ва бошқа бошқарув материаллари;

б) дидактика тамойиллари педагогика асослари ва ёш психологияси, ўқитишнинг умумий ва хусусий технологиялари, ўзлаштириш методикаси ва ўкув фанини методик таъминлаш тамойиллари ва муассасада таълим жараёнини ташкил қилиш тизимини, унинг фаолият йўналишларини, муассасадаги педагогик ишларнинг сармали шакл ва методларини аниқлаш, умумлаштириш ва тарқатиш методикасиги;

в) муассасалар педагогик ходимлари методик уюшмалари иши мазмуни ва уни ташкиллаштириш тамойилларини;

г) ўкув-дастурий хужжатлар, ихтиосликлар бўйича ўкув режалари, таълим дастурлари, ўкув қурилмаларининг намунивий рўйхати ва бошқа ўкув методик хужжатларни ишлаб чиқиш тамойиллари ва тартибини;

д) нашриётлар билан ишлаш асосларини, методик ва ахборот материалларини тартибга солиш тамойилларини, ўкув қўлланмалари мажмуасини юритиш, ўқитишнинг аудиовизуал ва интерактив воситаларига асосий талабларни.

36. Услубиётчи лавозимига қўйидаги малака талаблари қўйилади:

а) камида бакалавр даражасидаги олий маълумот;

б) 5 йилдан кам бўлмаган педагогик иш стажи.

§ 10. Мактабгача таълим муассасаси мудири лавозимининг таснифлари

37. Мактабгача таълим муассасаси мудири лавозимининг мажбуриятларига қуидагилар киради:

- а) болалар боғчаси (ясли-боғча) барча турдаги фаолиятига раҳбарлик қиласи, педагогик жамоа ва бошқа ходимларни болалар билан олиб борадиган тарбиявий ишларда юқори самарага эришишини ташкил қиласи, тарбиявий жараёнда меҳнатни ташкил қилишнинг замонавий шаклларидан фойдаланади;
- б) болаларни бошланғич синфда ўқитишга тайёрлаш бўйича давлат талабларига мувофиқ тарбиялаш дастурларининг бажарилишини назорат қиласи;
- в) болалар соғлигини мустаҳкамлаш, уларни педагогика ва гигиена талабларига мувофиқ тарбиялаш ва ўқитиш учун зарур шароитларни яратишни таъминлайди;
- г) педагогик кенгашга раҳбарлик қиласи, оиласа фарзанд тарбияси масалалари бўйича ота-оналар билан ишлашни ташкил қиласи;
- д) жиҳоз, курол-анжомлардан фойдаланишда санитария-гигиена ва техника хавфсизлиги талабларига риоя қиласи, уларнинг хисобини юргизади ва сақланишини таъминлайди;
- е) болаларнинг овқатланишини, ёзги соғломлаштириш тадбирларини ташкил қиласи;
- ё). болалар боғчасини болалар сони бўйича тасдиқланган режага мувофиқ тўлдирилишини, иш юритишни, ўз вақтида хисоботларни топширишни, бюджет маблағларидан оқилона фойдаланишни ва болалар боғчаси (ясли-боғча) мулкини эҳтиётлашни таъминлайди;
- ж) кадрларни жой-жойига тўғри (оптимал, самарали) қўйишни таъминлайди, ходимларнинг фоявий назарий даражасини ва иш малакаси ва касб маҳоратини ошириш учун зарур шароитлар яратади, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялади;
- з) ички меҳнат тартиби қоидаларини ўрнатади, болалар боғчаси штат рўйхатида (ясли-боғчада) тарбиячи-услубиётчи лавозими бўлмагандан унинг вазифаларини бажаради.

38. Мактабгача таълим муассасаси мудири «Таълим тўғрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунларни, мактабгача таълимга қўйилган давлат талабларининг мазмунини, хукуматнинг тегишли қарорлари, Халқ таълими вазирлигининг буйруқлари, фармойишлари, ўйрикномалари, методик ва меъёрий хужжатларини, болаларни мактаб таълимiga тайёрлаш дастури ва тарбиявий ишлар концепциясини, мактабгача педагогика ва психологияни, мактабгача ёшдаги болаларни ўқитиш ва тарбиялаш шакл ва методларини, педагогик фан ва амалиётда ишлаб чиқилган меъёрий-методик хужжатларни, ўкув ва тарбия жараёнida ўқитиш техникавий воситаларидан фойдаланиш амалиётини, меҳнат қонунчилиги асосларини, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги қоидаларини билиши керак.

39. Мактабгача таълим муассасаси мудири лавозимига қуидаги малака талаблари қўйилади:

- а) камида бакалавр даражасидаги олий педагогик маълумот ва кичик ёшдаги болаларни тарбиялаш бўйича курсларни тутатганлик.
- б) 5 йилдан кам бўлмаган иш стажи.

§ 11. Болалар боғчаси (ясли-боғча) тарбиячи-услубиётчиси лавозимининг малака таснифлари

40. Болалар боғчаси (ясли-боғча) тарбиячи-услубиётчиси лавозимининг мажбуриятларига қўйидагилар киради:

а) болалар боғчаси (ясли-боғча) жамоаси ўқув-тарбиявий фаолиятига методик раҳбарлик қиласи, барча ёш гурӯхларидан болаларни тарбиялаш ва ўқитиш дастурларининг бажарилишини таъминлайди ва назорат қиласи, тарбиячи ва тиббий ходимлар ишини йўналтиради ва назорат қиласи, бевосита болалар билан ишловчи тарбиячиларга ва тиббий ҳамшираларга зарур методик ёрдам кўрсатади;

б) болалар боғчасида методик кабинет ишини ташкил қиласи, болаларни тарбиялаш ва ўқитиш бўйича йўриқнома-методик материалларни умумлаштиради, илғор тажрибани ўрганади ва умумлаштиради, тарбиячилар ва тиббий ҳамширалар орасида тажриба алмашиб ишларини ташкил қиласи тарбиячилар учун уларга амалий ёрдам бериш мақсадида маслаҳатлар ўтказади;

в) болалар тарбиясининг долзарб масалаларини педагогик кенгашнинг муҳокамига қўяди, педагогик кенгашларга материаллар тайёрлаш ва унда тарбиячиларнинг фаол иштирокини таъминлайди, қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини назорат қиласи, ота-оналар орасида педагогик билимларнинг ташвиқоти бўйича, болалар боғчалари ва мактаблардаги турли ёш гурӯхлари бўйича тарбиячилар ишида изчилликни таъминлаш бўйича ишни ташкил қиласи.

41. Болалар боғчаси (ясли-боғча) тарбиячи-услубиётчиси қўйидагиларни билиши керак:

а) «Таълим тўғрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунларни, мактабгача таълимга қўйилган давлат талабларининг мазмунини, хукуматнинг тегишли қарорлари, Халқ таълими вазирлигининг бўйруқлари, фармойишилари, йўриқномалари, методик ва меъёрий хужжатларини, болаларни мактаб таълимига тайёрлаш дастури ва тарбиявий ишлар концепциясини;

б) мактабгача педагогика ва психологияни, мактабгача ёшдаги болаларни ўқитиш ва тарбиялаш шакл ва методларини, мактабгача таълимга давлат талабларини бажарилишини назорат қилиш шакллари ва методларини, болалар хаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш қоидаларини;

в) педагогик фан ва амалиётда ишлаб чиқилган меъёрий-методик хужжатларни, ўқув ва тарбия жараёнида ўқитиш техникавий воситаларидан фойдаланиш амалиётини.

42. Болалар боғчаси (ясли-боғча) тарбиячи-услубиётчиси лавозимига қўйидаги малака талблари қўйилади:

- а) Олий ёки ўрта маҳсус педагогик (мактабгача) маълумот;
- б) уч йилдан кам бўлмаган педагогик иш стажи.

§ 12. Болалар боғчаси (ясли-боғча) тарбиячиси лавозимининг малака таснифлари

43. Болалар боғчаси (ясли-боғча) тарбиячиси лавозим мажбуриятларига қўйидагилар киради:

а) болаларни хар томонлама ўйғун ривожлантириш ва тарбиялаш бўйича ишни ташкил қиласи ва амалга оширади, уларни давлат талабларига мувофиқ мактабда ўқишига тайёрлайди;

б) ўз ишида мактабгача кичик, ўрта ва катта ёшдаги гурӯхлардаги болаларни

ақлий ва жисмоний ривожлантиришга, муюмала қўникмаларини шакллантиришга қаратилган турли хилдаги ўқитиш фаолиятидан, жумладан гурух ва индивидуал машгулотлар, ўйинлар, саҳналаштиришлар, табиатга экспурсиялар ва бошқа тадбирлардан фойдаланади;

в) болаларнинг индивидуал хусусиятларини, қизиқишилари ва майлларини ўрганини;

г) тарбия-таълим дастурларини муваффакиятли амалга ошириш учун гурухларда зарур шароитлар яратади, бунинг учун мактабгача муассаса методик кабинетининг материаларидан фаол фойдаланади;

д) гурухдаги ҳар бир боланинг ҳолати ва соғлигини назорат қиласди, мактабгача муассаса тиббий ходимлари билан биргаликда болаларнинг соғлигини мустахкамлашга, руҳий-жисмоний ривожланишига қўмаклашувчи тадбирларни мунтазам ўтказади;

е) болалар соғлигидаги ўзгаришлар тўғрисида мудирни, мактабгача муассаса тиббий ходимларини, ота-оналарни ўз вақтида хабардор қиласди;

ё) болаларнинг боғчага қатновини ҳисоблаш табелини юритади, келмаганлик сабабларини аниқлайди, тиббий ходимларни келмаган болалар тўғрисида хабардор қиласди;

ж) ўқув-тарбиявий ишларни режалаштиради, болалар учун ўрнатилган кун тартибини бажаришни таъминлайди, болалар тўғрисида ота-оналар билан сухбатлар олиб боради.

44. Болалар боғчаси (ясли-боғча) тарбиячиси қўйидагиларни билиши лозим:

а) «Таълим тўғрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунларни, ўз касбига оид бўлган мактабгача таълимга қўйилган давлат талабларининг мазмунини, ҳукуматнинг тегишли қарорлари, Халқ таълими вазирлигининг буйруқлари, фармойишлари, ўюриқномалари, методик ва меъёрий ҳужжатларини, болаларни мактаб таълимiga тайёрлаш дастури ва тарбиявий ишлар концепциясини;

б) мактабгача педагогика ва психологияни, дефектология асосларини, ёш анатомияси ва физиологиясини; мактабгача ўшдаги болаларни ўқитиш ва тарбиялаш шакл ва методларини, жумладан мактабгача ўшдаги болаларга тилни, математикани, табиатшуносликни, тасвирий санъатни ўқитиш методикаларини, меҳнат таълимини, мусиқий ва жисмоний тарбияни ўргатишни, болалар адабиётини, болалар ўқитилаётган тилнинг грамматик тузилиши ва сўз таркибини;

в) педагогик фан ва амалиётда ишлаб чиқилган меъёрий-методик ҳужжатларни, ўқув ва тарбия жараённада ўқитиш техникавий воситаларидан фойдаланиш амалиётини, мактабгача ўшдаги болаларнинг оммавий ўйинларини ташкил қилиш коидаларини, гигиена асосларини.

45. Болалар боғчаси (ясли-боғча) тарбиячиси лавозимига қўйидаги малака талаблари қўйилади:

а) Олий ёки ўрта маҳсус маълумот;

б) амалий иш стажи талаб қилинмайди.

§ 13. Болалар боғчаси (ясли-боғча) тарбиячи ёрдамчиси лавозимининг малака таснифлари

46. Болалар боғчаси (ясли-боғча) тарбиячи ёрдамчиси лавозим мажбуриятларига қўйидагилар киради:

а) тарбиячининг болаларга қарашида ёрдам беради, уларни кузатади, ўйинлар

ва музейлар, хиёбонларга ва болаларнинг бошқа дам олиш жойларига олиб боришига кўмаклашади;

б) мактабгача кичик, ўрта ва катта ёшдаги гурухлардаги болаларни аклий ва жисмоний ривожлантиришга; болаларни ватанпарварлик ва ўз Ватанига, миллий қадриятларга муҳаббат руҳида тарбиялашга, муомала кўнікмаларини шакллантиришга қаратилган гурух ва индивидуал машғулотлар, ўйинлар, саҳналаштиришлар, табиатга эккурсиялар ва бошқа тадбирлар ўтказади;

в) болаларни овқатлантиришни ва чўмилтиришни ташкил қиласди ва амалга оширади, уларни ўзи хизмат кўрсатиш кўнікмаларига ўргатади;

г) ривожланиш ва муваффакият даражасини баҳолаш учун болаларнинг хулигини ўрганади ва юриш-туришини кузатади, уларнинг муваффакиятларини маънавий рағбатлантириади, тарбиячи ва ота-оналар билан бирга уларнинг ютуқларини ва мумкин бўлган муаммоларини муҳокама қиласди.

47. Болалар боғчаси (ясли-боғча) тарбиячи ёрдамчиси қўйидагиларни билиши лозим:

а) мактабгача таълимга давлат талаблари мазмуни, мактабгача педагогикани ва психологияни, дефектология асосларини, ёш анатомияси ва физиологиясини; мактабгача ёшдаги болаларни ўқитиш ва тарбиялаш шакл ва методларини, жумладан мактабгача ёшдаги болаларга тилни, математикани, табиатшуносликни, тасвирий санъатни ўқитиш методикаларини, меҳнат таълимини, мусиқий ва жисмоний тарбияни ўргатишни;

б) болалар адабиётини, болалар ўқитилаётган тилнинг грамматик тузилиши ва сўз таркибини, болалар овқатларининг турларини, рецептларини ва тайёрлаш технологияларини;

в) мактабгача ёшдаги болаларнинг оммавий ўйинларини ташкил қилиш қоидаларини, гигиена асослари, болалар ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш қоидаларини.

48. Болалар боғчаси (ясли-боғча) тарбиячи ёрдамчиси лавозимига қўйидаги малака талаблари қўйилади:

а) ўрта маълумот ва мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялаш ишлари хусусиятлари бўйича маҳсус тайёргарлик;

б) амалий иш стажи талаб қилинмайди.

§ 14. Мусиқа раҳбари (мактабгача бўлган муассасада) лавозимининг малака таснифлари

49. Мусиқа раҳбарининг лавозим мажбуриятларига қўйидагилар киради:

а) тарбияланувчиларнинг мусиқавий қобилиятларини ва туйғу соҳасини, ижодий фаолиятини ривожлантиришни амалга оширади, мусиқавий фаолиятни ташкил қилишнинг турли шакл ва кўринишларидан фойдаланиб, уларда эстетик дидни шакллантириади, мусиқа асбобида ижро техникасини маҳорат билан бажаради;

б) болалар билан индивидуал ишларни олиб боради, қобилиятли ва иқтидорли болаларни танлаб олади, уларнинг мусиқий қобилиятларини ривожлантиришга кўмаклашади, тарбияланувчиларнинг индивидуал ва ёш хусусиятларини, ижодий қобилиятларини хисобга олиб педагогик фаолият йўналишларини белгилайди;

в) тарбиячилар билан бирга болаларни рақс, ашула, мусиқий ўйинларга ўргатади;

г) ота-оналарга фарзандларининг мусиқий тарбияси, таълими юзасидан маслаҳатлар беради, ота-оналар (уларнинг ўрнидаги кишилар) ва педагогик ходимларнинг тарбиявий ишларнинг шу йўналишидаги фаолиятини мувофиқлаштиради.

50. Мусиқа раҳбари қўйидагиларни билиши керак:

- а) мактабгача таълимга давлат талаблари мазмуни, Халқ таълими вазирлигининг мактабгача муассасаларда мусиқий таълим масалаларига оид методик, меърий, йўрикнома ва бошқа бошқарув хужжатларини;
 - б) болалар мусиқа таълими назария ва амалиёти асосларини, болалар мусиқа адабиётини, хореография асосларини, хор жамоаси билан ишлашни, саҳналар, маданий-оммавий тадбирларни ўтказиш дастурини ва тартибини амалий жиҳатдан ишлаб чиқиши;
 - в) болалар шахсини ривожлантиришнинг индивидуал хусусиятлари, турли ёшдаги болаларнинг мусиқавий идроки, туйғулари, моторикаси ва мусиқий имкониятларини;
 - г) Ватан (ўзбек), шарқ ва хорижий бастакорлар ҳаёти ва ижодини, халқ ҳофизлари ижодини, мусиқа тарихини ва маданиятини, болалар репертуари асарларини;
 - д) мусиқа (ўзбек, шарқ ва хорижий) асбобларини, шунингдек ўзбек, шарқ, европа мумтоз мусиқа санъатини, операни, балетни.
 - е) Ўзбекистоннинг турли худудларига хос бўлган мусиқа методларини ва усулларини, инструментал ва ижро йўналишларини, мусиқавий ўйинларни, мусиқавий вазн ҳаракатларини;
 - ё) ривожланишда четланишлари бўлган болалар билан ишлашда — дефектология асослари ва тегишли методикаларни.
 - ж) мусиқа асбобидан фойдаланишни мукаммал эгаллаган, вокал-хор кўникмаларига эга бўлиши.
51. Мусиқа раҳбари лавозимига қўйидаги малака талаблари қўйилади:
- а) камида ўрта маҳсус мусиқавий маълумот;
 - б) амалий иш стажи талаб этилмайди.

§ 15. Жисмоний тарбия ва спорт йўриқчиси лавозимининг малака таснифлари

52. Жисмоний тарбия ва спорт йўриқчисининг лавозим мажбуриятларига қўйидагилар киради:

- а) ҳар бир гурух учун жисмоний тарбия машғулотлари жадвалини тузади, гурухлар ёш таркибини хисобга олиб тасдиқланган дастурлар бўйича ўкув машғулотлари ўтказади;
- б) кун давомида болаларнинг ҳаракат фаоллигини назорат қиласди. Спорт-соғломлаштириш ишларини олиб боради, шу мақсадларда спорт, соғломлаштириш тадбирлари режасини ишлаб чиқади; соғлом, жисмонан бақувват ҳолда мактабга тайёрлар мақсадида болаларга жисмоний машқлар бажартиради; жисмоний ривожланишда орқада қолган болалар билан алоҳида машғулотлар ўтказади;
- в) болаларнинг соғлиги ва жисмоний ҳолатини назорат қиласди, тарбиячилар ва ота-оналарга болалар соғлигини мустаҳкамлаш, жумладан спорт секциялари, тўғраклар ташкил қилиш бўйича маслаҳатлар беради, уларга методик ва амалий ёрдам кўрсатади;
- г) машғулотлар пайтида болалар соғлиги ва хавфсизлигига жавобгардир, ўзининг касбий маҳоратини, болалар билан ишлаш методик усулларини узлуксиз тақомиллаштиради, мактабгача муассаса ходимлари ва ота-оналар орасида жисмоний тарбия ташвиқотини олиб боради.

53. Жисмоний тарбия ва спорт йўриқчиси мактабгача таълимга давлат талаблари мазмуни, Халқ таълими вазирлигининг мактабгача муассасаларда жисмоний

тарбия ва болалар спортини ривожлантириш масалалари га оид методик, меъёрий, йўриқнома ва бошқа бошқарув хужжатларини, болаларни мактабгача тарбиялаш педагогика ва психологияси асослари, болаларни жисмоний тарбиялашнинг назария ва амалиёти асосларини, болалар анатомияси ва физиологиясини, спорт-оммавий тадбирлар ўtkазиш тартибини, замонавий ва халқ болалар спорт ўйинлари қоида ва талабларини билиши керак.

54. Жисмоний тарбия ва спорт йўриқчиси лавозимига қўйидаги малака талаблари қўйилади:

- а) жисмоний тарбия бўйича ўрта маҳсус маълумот;
- б) амалий иш стажи талаб қилинмайди.

§ 16. Тарбиявий ишлар бўйича катта етакчи лавозимининг малака таснифлари

55. Тарбиявий ишлар бўйича катта етакчи лавозим мажбуриятларига қўйидагилар киради:

- а) ўқувчиларнинг синфдан ва мактабдан ташқари машғулотларини ўтказади, таътил кунларида экспурсиялар, диккатга сазовор жойларга сафарлар, музейларга саёҳатлар ташкил қиласди;
- б) ўқувчиларда Ватанга, миллий анъаналар ва халқнинг урф-одатларига хурмат ва садоқат, буюк олимлар, санъат, маданият ва спорт усталари билан фаҳрланиш ҳиссиётини тарбиялади;
- в) мактаб тарбиявий ишлари режасига мувофиқ ўқитувчилар, жумладан синф раҳбарлари, тарбиячилар ва бошқа педагог ходимлар билан биргаликда ғоявий-ахлоқий тарбия, спорт-оммавий ва маданий тадбирлар бўйича ишларни амалга оширишда иштирок этади;
- г) ўз вазифаларини бажаришда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, маданият марказлари, кинотеатрлар, музейлар, истироҳат боғлари, спорт иншоотлари, секциялар, маҳалла комитетлари, «Махалла», «Соғлом авлод учун» жамғармалари ва бошқа мактабдан ташқари муассасалар ходимлари билан ҳамкорлик қиласди.

56. Тарбиявий ишлар бўйича катта етакчи қўйидагиларни билиши керак:

- а) «Таълим тўғрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги конунларни, мактабдан ташқари таълимга қўйилган давлат талабларининг мазмунини, хукуматнинг тегишли қарорларини, Халқ таълими вазирлигининг тарбиявий, мактабдан ва синфдан ташқари ишлар бўйича бўйруқлари, меъёрий, методик ва йўриқнома хужжатларини, тарбиявий ишлар концепциясини, педагогика, психологияни;
- б) мактабдан ташқари муассасалар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни ривожлантириш ўналишларини, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги коидаларини.

57. Тарбиявий ишлар бўйича катта етакчи ўқувчиларни тўгараклар, спорт секцияларида машғулотларга қизиқтириш; мусобақалари га, оммавий ўйинларда, танловларда, фестивалларда ва бошқа тадбирларда иштирок этишга жалб қилиш; сұхбатлар, мажлислар олиб бориш; зарур хужжатларни юритишни бажара олиши керак.

58. Тарбиявий ишлар бўйича катта етакчи лавозимига қўйидаги малака талаблари қўйилади:

- а) ўрта маҳсус маълумот;
- б) амалий иш стажи талаб қилинмайди.

§ 17. Мактабдан ташқари муассаса директори лавозимининг малака таснифлари

59. Мактабдан ташқари муассаса директорининг лавозим мажбуриятларига куйидагилар киради:

- а) мактабдан ташқари муассасага умумий раҳбарликни амалга оширади, унинг ишини режалаштиради, режанинг бажарилишига жавоб беради, муассаса фаолиятини мактабда турли синфдан ва мактабдан ташқари ўқувчилар билан ишлашни амалга оширишда йўриқ-методик ёрдам беришга йўналтиради;
- б) мактабдан ташқари муассасанинг барча бўлинмалари фаолиятини методик, оммавий ва ўқув ишларида юқори самарага эришишига сафарбар қиласди;
- в) ўқитилаётган болалар таълим тайёргарлигини мактабдан ташқари таълимга кўйилган давлат талабларига мос келишини таъминлайди ва назорат қиласди, мактабдан ташқари муассаса фаолиятини мониторингини ташкил қиласди ва ўтказади;
- г) бўлимлар раҳбарлари ишини назорат қиласди, педагогик ходимлар ва маъмурӣ-хўжалик ходимларини жой-жойига қўйиш ва танлашга раҳбарлик қиласди, меҳнат конунчилигига кўра ходимлар вазифаларини белгилайди;
- д) педагогик кенгаш ишига раҳбарлик қиласди, кадрлар малакасини ошириш ишини ташкил қиласди, моддий-техник базанинг такомиллашуви ва кўпайишини, санитария-гигиена тартиби, меҳнатни муҳофаза килиш, техника хавфсизлиги ва ёнгиндан ҳимояланиш қоидаларига риоя қилишни таъминлайди;
- е) иш юритишини тўғри ташкил қилишни, бюджет маблағларидан тўғри фойдаланишини таъминлайди;
- ё) давлат ва жамоат ташкилотларида мактабдан ташқари муассаса манбаатларини тақдим ва ҳимоя қиласди.

60. Мактабдан ташқари муассаса директори куйидагиларни билиши керак:

- а) «Таълим тўғрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги конунларни ва болалар хукуқларини тартибига солувчи конун хужжатларини, хукуматнинг таълим тўғрисидаги қарорлари, таълимни ривожлантириш стратегияси, синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар концепциясини;
- б) Халқ таълими вазирлигининг синфдан ва мактабдан ташқари муассасалар фаолиятини ташкил этиш ва яхшилашга оид буйруқлари, фармойишлари, низомлари, йўриқ ва меъёрий хужжатлари; мактабдан ташқари таълимга давлат талабларининг мазмуни, жамоага раҳбарлик қилишнинг самарали кўринишлари ва методлари, ўқув ва тарбия сифати, давлат талабларини жорий қилиш натижалари билан боғлиқ ҳолда ходимларни маънавий ва моддий рафбатлантириш тизимлари ва методларини;
- в) тўғарак дастурлари ва уларга методик йўриқномалар, касбга йўналтириш ишининг ташкилий-педагогик асослари;
- г) кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш усуслари, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тартиби, педагогика, педагогик психология, болалар физиологияси, ўқув муассасаси фаолиятига қўйилган санитария-гигиена талаблари, техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги қоидалари;

61. Мактабдан ташқари муассаса директори лавозимига қўйиладиган малака талаблари:

- а) камида бакалавр даражасидаги олий маълумот;
- б) уч йилдан кам бўлмаган педагогик иш стажи.

§ 18. Мактабдан ташқари муассаса директорининг ўринбосари лавозимининг малака таснифлари

62. Мактабдан ташқари муассаса директорининг ўринбосари лавозим мажбуриятларига қўйидагилар киради:

- а) тўгаракларда ўкув-тарбиявий жараённи ташкил қиласи, тўгараклар ва жамоалар дастурларини бажаришни ташкил қиласи, мактабдан ташқари муассаса фаолияти мониторингини ташкил қиласи ва ўтказади; бўлимлар, секциялар, лабораториялар, тўгараклар устахоналари ва жамоалар раҳбарлари ишини назорат қиласи, ўкув йили давомида тўгараклар ва жамоаларни бутлаш ва аъзолари сонини сақлаб қолишни таъминлайди;
- б) тўгараклар ва жамоалар машғулотлари жадвалини, мусобақалар, кўрик танловлар ва бошқа тадбирлар жадвал ва тақвимини тузади;
- в) ўқитилаётган болалар таълим тайёргарлигининг мактабдан ташқари таълимга қўйилган давлат талабларига мослигини назорат қиласи ва таъминлайди;
- г) мактабдан ташқари муассасада илгор педагогик тажрибани тарқатади, педагогик ходимларни жой-жойига қўйишида қатнашади, тўгараклар аъзолари ота-оналари билан ишни ташкил қиласи;
- д) санитария-гигиена тартиби, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишни таъминлайди, тўгараклар ва жамоа фаолиятини қайд этувчи хужжатларни тўғри юритишни таъминлайди.

63. Мактабдан ташқари муассаса директорининг ўринбосари қўйидагиларни билиши керак:

- а) «Таълим тўғрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунларни ҳамда болалар хукуқларини тартибга солувчи қонун хужжатларини, хукуматнинг таълим тўғрисидаги қарорлари, таълимни ривожлантириш стратегияси, синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар концепциясини, Халқ таълими вазирлигининг синфдан ва мактабдан ташқари муассасалар фаолиятини ташкил этиш ва яхшилашга оид буйруқлари, фармойишлари, низомлари, йўриқ ва меъёрий хужжатлари; мактабдан ташқари таълимга давлат талабларининг мазмуни, жамоага раҳбарлик қилишнинг самарали қўринишлари ва методлари, ўкув ва тарбия сифати, давлат талабларини жорий қилиш натижалари билан боғлик ҳолда ходимларни маънавий ва моддий рағбатлантириш тизимлари ва методларини.
- б) тўгарак дастурлари ва уларга методик йўрикномаларни, касбга йўналтириш ишининг ташкилий-педагогик асосларини, ёзги таътил пайтида ишлашни ташкил қилиш шакллари ва методларини;
- в) кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш тартибини, педагогика, педагогик психология, болалар физиологияси, ўкув муассасаси фаолиятига қўйилган санитария-гигиена талаблари, техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги қоидаларини.

64. Мактабдан ташқари муассаса директори лавозимига қўйидаги малака талблари қўйилади:

- а) олий ёки ўрта маҳсус маълумот;
- б) уч йилдан кам бўлмаган педагогик иш стажи.

§ 19. Мактабдан ташқари муассаса бўлим мудири лавозимининг малака таснифлари

65. Мактабдан ташқари муассаса бўлим мудирининг лавозими мажбуриятларига қўйидагилар киради:

а) бўлим ишини режалайди ва ташкил қиласди, иш режаларининг бажарилишини назорат қиласди, секциялар, лабораториялар, кабинетлар, устахоналар ҳамда методистлар, тўгараклар ва жамоалар раҳбарлари иш сифатини назорат қиласди, ўкув йили давомида тўгараклар ва жамоаларни бутлаш ва аъзолари сонини сақлаб қолишни таъминлайди;

б) ўкув дастурлари ва режаларини бажаришни, оммавий тадбирлар ўтказишни таъминлайди, бўлим хоналарини жихозлаш ишларини олиб боради;

в) курилмалар, жихозлар талаб даражасидаги ҳолатини ва сақланишини; санитария-гигиена тартиби, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишни таъминлайди, кадрлар малакасини ошириш ишини ташкил қиласди;

г) мактабдан ташқари муассасада илғор педагогик тажрибани тарқатади, тўгараклар аъзолари ота-оналари билан ишни ташкил қиласди;

д) ўқитилаётган болалар таълим тайёргарлигининг мактабдан ташқари таълимга қўйилган давлат талабларига мослигини назорат қиласди ва таъминлайди;

е) тўгараклар ва жамоа фаолиятини қайд этувчи хужжатларни тўғри юритишни таъминлайди.

66. Мактабдан ташқари муассаса бўлим мудири кўйидагиларни билиши лозим:

а) «Таълим тўғрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги конунларни ҳамда болалар хукуқларини тартибга солувчи конун хужжатларини, хукуматнинг таълим тўғрисидаги карорлари, таълимни ривожлантириш стратегияси, синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар концепциясини;

б) ҳалқ таълими вазирлигининг синфдан ва мактабдан ташқари муассасалар фаолиятини ташкил этиш ва яхшилашга оид буйруқлари, фармойишлари, низомлари, ўриқ ва меъерий хужжатлари; мактабдан ташқари таълимга давлат талабларининг мазмунни, жамоага раҳбарлик қилишнинг самарали қўринишлари ва методлари, ўкув ва тарбия сифати, давлат талабларини жорий қилиш натижалари билан боғлик холда ходимларни маънавий ва моддий рағбатлантириш тизимлари ва методларини.

в) тўгарак дастурлари ва уларга методик ўриқномаларни, касбга йўналтириш ишининг ташкилий-педагогик асосларини;

г) педагогика, педагогик психология, болалар физиологияси, ўкув муассасаси фаолиятига қўйилган санитария-гигиена талаблари, техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини.

67. Мактабдан ташқари муассаса бўлим мудири лавозимига кўйидаги малака талаблари қўйилади:

а) олий ёки ўрта маҳсус маълумот;

б) уч йилдан кам бўлмаган педагогик иш стажи.

§ 20. Мактабдан ташқари муассаса, секция, лаборатория, кабинет мудири лавозимининг малака таснифлари

68. Мактабдан ташқари муассаса, секция, лаборатория, кабинет мудири лавозим мажбуриятларига кўйидагилар киради:

а) секциялар, лабораториялар, кабинетлар, тўгараклар ва жамоаларнинг ишини ташкил қиласди, тўгараклар раҳбарлари фаолиятини, ўкув режалари ва дастурлари бажарилишини назорат қиласди;

б) методик ишларга ва секцияларда, лабораторияларда, кабинетларда тегишли методик материалларни тайёрлашга раҳбарлик қиласди, тўгараклар, жамоаларни

бутлаш ишларини ташкил қиласи, курилмалар, жиҳозларнинг яроқли ҳолатда сақла-нишини, санитария-гигиеник тартиб, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавф-сизлиги қоидаларига риоя қилишни таъминлайди;

в) ўқитилаётган болалар таълим тайёргарлигининг мактабдан ташқари таълимга қўйилган давлат талабларига мослигини назорат қиласи ва таъминлайди;

г) тўғараклар ва жамоа фаолиятини қайд этувчи ҳужжатларни тўғри юритишни таъминлайди;

69. Мактабдан ташқари муассаса, секция, лаборатория, кабинет мудири қўйи-дагиларни билиши керак:

а) «Таълим тўғрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунларни ҳамда болалар хукукларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини, хукуматнинг таълим тўғрисидаги қарорлари, таълимни ривожлантириш стратегияси, синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар концепциясини, Халқ таълими вазирлигининг синфдан ва мактабдан ташқари муассасалар фаолиятини ташкил этиш ва яхшилашга оид бўйруқлари, фармойишлари, низомлари, йўриқ ва меъёрий ҳужжатлари; мактабдан ташқари таълимга давлат талабарининг мазмуни, тўғарак дастурлари ва уларга методик йўриқномаларни;

б) қасбга йўналтириш ишининг ташкилий-педагогик асосларини, педагогика, педагогик психология, болалар физиологияси, ўқув муассасаси фаолиятига қўйилган санитария-гигиена талаблари, техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини.

70. Мактабдан ташқари муассаса, секция, лаборатория, кабинет мудири лаво-зимига қўйидаги малака талаблари қўйилади:

- а) олий ёки ўрта маҳсус маълумот;
- б) уч йилдан кам бўлмаган педагогик иш стажи.

§ 21. Мактабдан ташқари муассаса услубиётчиси лавозимининг малака таснифлари

71. Мактабдан ташқари муассаса услубиётчиси лавозим мажбуриятларига қўйи-дагилар киради:

а) тегишли йўналишларда ўқувчилар билан дарсдан ташқари ишни ташкил қилиш бўйича мактабларга йўриқ-методик ёрдам беради, мактаб етакчилари, ўқитувчилари, мактабдан ташқари ходимлар билан маслаҳат, семинар машғулотлари, конференциялар ўтказади, мактаб тўғараклари ва мактабдан ташқари муассаса раҳбарлари туман (шаҳар) методик ўюшмалари фаолиятини ташкил қиласи;

б) болалар билан синфдан ташқари илгор тажрибаларни ўрганади, умумлаштиради ва тарқатади; синфдан ва мактабдан ташқари ишлар бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқади;

в) ўқитилаётган болалар таълим тайёргарлигининг мактабдан ташқари таълимга қўйилган давлат талабларига мослигини назорат қиласи ва таъминлайди;

г) ўқувчилар билан оммавий тадбирларни ташкил қиласи, уларнинг мазмуни бўйича масъулдир.

72. Мактабдан ташқари муассаса услубиётчиси «Таълим тўғрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлар, хукуматнинг таълим тўғрисидаги қарорлари, таълимни ривожлантириш стратегияси, синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар концепциясини, Халқ таълими вазирлигининг синфдан ва мактабдан ташқари муассасалар фаолиятини ташкил этиш ва яхшилашга оид бўйруқлари, фармойишлари, низомлари, йўриқ ва меъёрий ҳужжатлари; мактабдан

ташқари таълимга давлат талабларининг мазмуни, тўғарак дастурлари ва уларга методик йўриқномаларни, педагогика, педагогик психология, болалар физиологияси асосларини билиши керак.

73. Мактабдан ташқари муассаса услубиётчиси лавозимига қўйидаги малака талаблари қўйилади:

- а) олий ёки ўрта маҳсус маълумот;
- б) икки йилдан кам бўлмаган педагогик иш стажи.

§ 22. Тўғарак раҳбари лавозимининг малака таснифлари

74. Тўғарак раҳбари лавозимининг мажбуриятларига қўйидагилар киради:

а) тўғарак (жамоа) аъзолари билан юқори методик даражада тегишли йўналишда индивидуал ва гурӯҳ машғулотларини ўтказади, уларнинг билим ва маҳоратини оширишга эришади, машғулотлар ўтказиши режалаштиради, ўқув дастурларининг бажарилишини таъминлайди, методик ишларда қатнашади;

б) танлов асосида тўғарак (жамоа) таркибини бутлайди, тўғарак (жамоа) аъзоларининг мусобақаларда, кўргазмаларда, концертларда ва бошқа оммавий тадбирларда иштирок этишини таъминлайди, тўғарак (жамоа) аъзолари томонидан ўқув интизомига риоя қилинишини назорат қиласди, машғулотлардаги давомат ҳисобини олиб боради, тўғарак фаолияти билан боғлик ҳужжатларни юргизади ва ҳисоботлар тузади;

75. Тўғарак раҳбари «Таълим тўғрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунларни ҳамда болалар ҳуқуқларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини, ҳукуматнинг таълим тўғрисидаги қарорлари, таълимни ривожлантириш стратегияси, синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар концепцияси, Халқ таълими вазирлигининг синфдан ва мактабдан ташқари муассасалар фаолиятини ташкил этиш ва яхшилашга оид бўйруқлари, фармойишлари, низомлари, йўриқ ва меъёрий ҳужжатлари; мактабдан ташқари таълимга давлат талабларининг мазмуни, тегишли йўналиш бўйича тўғарак (жамоа) дастурлари ва уларга методик йўриқномаларни, тўғаракларда (жамоаларда) иш олиб бориш шакллари ва методларини; педагогика, педагогик психология, болалар физиологияси асосларини, ўқув муассасаси фаолиятига қўйилган санитария-гигиена талаблари, техника хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги коидаларини билиши керак.

76. Тўғарак лавозимига қўйиладиган малака талабларига қўйидагилар киради:

- а) тўғарак йўналиш бўйича ўрта маҳсус маълумот;
- б) амалий иш стажи талаб қилинмайди.

§ 23. Маданий тадбирларни ташкил этувчи лавозимнинг малака таснифлари

77. Маданий тадбирларни ташкил этувчининг лавозим мажбуриятларига қўйидагилар киради:

а) байрамлар, танловлар, мусобақалар ва бошқа оммавий тадбирлар дастурларини, саҳналарини, тартибини ишлаб чиқади, оммавий ўйинлар, чиқишилар, кўриклар, қатнов ва қўнгилочар ўйинларни ташкил қиласди ва ўтказади, турли машҳур саналарга бағишланган театрлаштирилган байрамлар, танловлар, томошалар ва бошқа тадбирларни тайёрлаш ва ўтказиша қатнашади;

б) дам олиш кечалари, аттракционлар, раксга тушишини ўргатиш ва дам олиш-

нинг бошқа турларини амалга ошириш дастурлари ва сценарийларини ишлаб чиқади, мос адабий ва мусиқа репертуарини танлайди, жиҳозларни тайёрлайди;

в) ўйинлар, аттракционлар, рақсларни ўргатиш ва хоказолар бўйича методик материаллар ишлаб чиқади, ундан ташқари, саройлар, болалар клублари ва бошқа мактабдан ташқари муассасаларда маданий-оммавий ишлар бўйича ёш ташкилотчиларни тайёрлашни амалга оширади.

78. Маданий тадбирларни ташкил этувчи қўйидагиларни билиши керак:

а) «Таълим тўғрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги конунларни, хукуматнинг таълим тўғрисидаги қарорлари, таълимни ривожлантириш стратегияси, синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар концепциясини, Халқ таълими вазирлигининг синфдан ва мактабдан ташқари муассасалар фаолиятини ташкил этиш ва яхшилашга оид бўйруқлари, фармойишлари, низомлари, йўриқ ва меъёрий ҳужжатлари; болалар ва ёшлар билан оммавий тадбирлар ўтказиш ва ташкил этишнинг шакллари, методлари ва қоидаларини;

б) мусиқа таълими асосларини, дирижёрлик техникасини, хореография асосларини, хор жамоаси билан ишлашни, мусиқа асбобида ижро қилишни билиши, сценарийлар, дастурларни амалда ишлаб чиқаришни, педагогика, педагогик психология, болалар физиологияси асосларини;

в) ўқув муассасаси фаолиятига қўйилган санитария-гигиена талаблари, техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги қоидаларини.

79. Маданий тадбирларни ташкил этувчи лавозимига қўйидаги малака талаблари қўйилади:

- а) маданият бўйича ўрта маҳсус маълумот;
- б) иш стажи талаб қилинмайди.

§ 24. Спорт мактаби директори лавозимининг малака таснифлари

80. Спорт мактаби директорининг лавозим мажбуриятларига қўйидагилар киради:

а) спорт мактаби ишини ташкил қилади, унинг барча фаолият йўналишлари бўйича тўлиқ жавобгарлик қилади, педагогик кенгаш билан биргаликда спорт мактаби ривожланишининг асосий йўналишларини белгилайди, давлат ва жамоат органдарида унинг манфаатларини тақдим қилади, спорт мактаби хўжалик фаолиятига боғлиқ барча масалаларни ҳал қилади;

б) педагогик кенгаш ишини бошқаради, спорт турлари бўйича ўқув дастурларининг бажарилишини; ўқув-чиниқтириш машғулотлари хавфсизлик талабларига риоя қилиш самарадорлиги ва мазмунини назорат қилади;

в) кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишини амалга оширади, ходимларни лавозимга тайинлайди ва бўшатади, меҳнат қонунчилиги ва ички меҳнат тартибига мувофиқ ходимларнинг лавозим вазифаларини белгилайди;

г) тренер-ўқитувчилар таркибининг касбий маҳоратларини ошириш учун шароит яратади, спорт мактабига ажратилаётган маблағлардан оқилона фойдаланишини таъминлайди, тарификация рўйхатини тасдиқлади, мавжуд мулк ва воситаларга амалдаги қонунчиликка мувофиқ эгалик қилади;

д) ўқув-моддий базанинг ҳисоб-китобини юритишни, сакланишини ва тўлдирилишини; санитария-гигиена тартибига, меҳнат муҳофазаси, меҳнат ва ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишини таъминлайди.

81. Спорт мактаби директори «Таълим тўғрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунларни ва болалар хукуқларини тартибга солувчи

қонун хужжатларини, ҳукуматнинг таълим тўғрисидаги қарорлари, таълимни ривожлантириш стратегияси, республикада жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш йўналишларини ва истиқболини белгиловчи буйруқлар, фармойишлар, низомлар, ўриқномалар ва меъёрий хужжатларни, мактаб фаолияти ва ривожланишининг иқтисодий асослари, жамоани бошқаришнинг самарали шакллари ва методлари, фаолият натижалари ва сифатига боғлиқ ҳолда ходимларни маънавий ва моддий рафбатлантириш тизимлари ва методлари кадрларни танлаш ва жой-жойига кўйиш усуллари, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тартибини, техника хавфсизлиги ва ёнгин хавфсизлигини таъминлаш қоидаларини; педагогика, педагогик психология, болалар физиологияси асосларини билиши керак.

82. Спорт мактаби директори лавозимига қўйидаги малака талаблари қўйилади:

- а) Олий маълумот;
- б) Жисмоний тарбия-спорт ташкилотларида 5 йилдан кам бўлмаган иш стажи.

§ 25. Спорт мактаби директори ўринбосари лавозимининг малака таснифлари

83. Спорт мактаби директорининг лавозим мажбуриятига қўйидагилар киради:

а) спорт мактабида ўқув-чиниктириш, тарбиявий ва методик ишларни ташкил қиласи, ўқув-чиниктириш жарабёнини ташкил қилишга, ўқув гурухларини бутлашга, шуғулланувчиларни танлашга ва спортга қизиктиришга, спорт бўйича ўқитувчилар ва тренерлар малакасини оширишга масъулдир;

б) спорт мусобақаларини ўтказишни таъминлайди, ўқувчи-спортчиларни ўқитиш ва чиниктириш методикаларини такомиллаштириш тадбирларини амалга оширади;

в) ўқув-чиниктириш жарабёнининг мазмунини, ўқувчи-спортчининг ўқув дастурлари талабларини бажаришини; билимлар ва қўникмалар сифатини, жисмоний ривожланиш ва тайёргарлик даражасини, уларнинг ўз вактида чуқур тиббий кўрикдан ўтишларини назорат қиласи;

г) жисмоний тарбия ва спортни ташвиқот қилиш, илфор иш тажрибасини умумлаштириш ва жорий қилиш бўйича ишга раҳбарлик қиласи.

84. Спорт мактаби директори «Таълим тўғрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш милий дастури тўғрисида»ги ва болалар ҳуқуқларини тартиба солувчи қонун хужжатларини, ҳукуматнинг таълим тўғрисидаги қарорлари, таълимни ривожлантириш стратегияси, республикада жисмоний тарбия ва спорт ривожланиш йўналишларини ва истиқболини белгиловчи буйруқлар, фармойишлар, низомлар, ўриқномалар ва меъёрий хужжатларни; жисмоний тарбия, спорт ва спорт резервларини тайёрлаш бўйича ватан ва хориж фанининг ютуқларини; илфор спорт мактаблари тажрибасини, иқтисодиёт, меҳнатни ва бошқаришни ташкил қилиш асосларини, педагогика, педагогик психология, болалар физиологияси асосларини, техника хавфсизлиги ва ёнгин хавфсизлигини таъминлаш қоидаларини билиши керак.

85. Спорт мактаби директори лавозимига қўйидаги малака талабларига қўйидагилар киради:

- а) олий жисмоний тарбия маълумоти;
- б) жисмоний тарбия-спорт ташкилотларида 3 йилдан кам бўлмаган иш стажи.

§ 26. Спорт бўйича тренер-ўқитувчи лавозимининг малака таснифлари

86. Спорт бўйича тренер-ўқитувчининг лавозим мажбуриятларига қўйидагилар киради:

- а) спорт мактабига, секцияга, спорт ва соғломлаштириш йўналишидаги гурухларга жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишини хоҳловчи ва тиббий тўсқинликлари бўлмаган шахсларни қабул қиласди, улар билан ўқув-чиниктириш ва тарбиявий ишлар олиб боради, келажакда спорт соҳасида яхши истиқболга эга бўлиши мумкин бўлган болалар ва ўсмирларни танлайди ва уларни спортга қизиқтиришни амалга оширади, шуғулланувчиларнинг жисмоний, назарий, руҳий-иродавий, техник ва спорт тайёргарлигини оширишни; машғулотлар жараёнида уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш ва муҳофазалашни; ўқув-чиниктириш жараёнининг хавфсизлигини таъминлади;
- б) спортчилар томонидан турли хилдаги допингларни истеъмол қилиш ҳолларининг юз беришини истисно қилишга қўмаклашади;
- в) тайёрлашнинг йиллик ва жорий режаларини ишлаб чиқади, ўз иши мазмунни ва натижадорлиги бўйича мунтазам ҳисоб, таҳлил, умумлаштиришни олиб боради;
- г) ўз фаолиятида спорт тайёргарлиги ва шуғулланувчиларни соғломлаштиришнинг самарали методларини қўллади.

87. Спорт бўйича тренер-ўқитувчи «Таълим тўғрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги конунларни ва болалар хуқуқларини тартибга солувчи қонун хужжатларини, хукumatнинг таълим тўғрисидаги қарорлари, таълимни ривожлантириш стратегияси, республикада жисмоний тарбия ва спорт ривожланиш йўналишларини ва истиқболини белгиловчи буйруқлар, фармойишлар, низомлар, ўриқномалар ва меъёрий хужжатларни; шуғулланувчиларни спорт-чиниктиришда жисмоний тайёргарликни тарбиялаш, ўқитиш методларини, педагогика, психология, болалар физиологияси асосларини, гигиена, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларини билиши керак.

88. Спорт бўйича тренер-ўқитувчи лавозимига қўйидаги малака талаблари қўйилади:

- а) олий ёки ўрта маҳсус жисмоний тарбия маълумоти;
- б) иш стажига талаб қўйилмайди.

§ 27. Спорт мактаби йўриқчи-услубиётчиси лавозимига қўйиладиган малака таснифлари

89. Спорт мактаби йўриқчи-услубиётчisinинг лавозим мажбуриятларига қўйидагилар киради:

- а) шуғулланувчиларни танлаш, уларни спортга йўналтириш, ўқув-чиниктириш ва тарбиявий жараённи ташкил қилиш бўйича спорт мактаби ишини мувофиқлаштириш ва методик таъминотини амалга оширади, ўқув гурухларини бутлашни, ўқув-чиниктириш ва тарбиявий жараёни мазмунни, натижаларини назорат қиласди;
- б) спорт бўйича тренер-ўқитувчilar малакасини ошириш ишини, очик дарслар ўтказиши ташкил қиласди, спорт мактаби, бўлими, тайёргарлик босқичи иш натижаларининг кўп йиллик статистик ҳисобини олиб боради;
- в) ўз ишининг, спорт мактаби тренер-ўқитувчilari иш тажрибасининг натижаси ва мазмунини таҳлил қилиш ва умулаштиришни амалга оширади, спорт мактаби

би иш натижаларининг статистик ҳисобини тайёрлашда иштирок этади ёки тайёрлайди.

90. Спорт мактаби йўриқчи-услубиётчиси «Таълим тўғрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги конунларни, ҳукуматнинг таълим тўғрисидаги қарорларини, таълимни ривожлантириш стратегиясини, республикада жисмоний тарбия ва спорт ривожланиш йўналишларини ва истиқболини белгиловчи буйруқлар, фармойишлар, низомлар, йўриқномалар ва меъёрий хужжатларни, шуғулланувчиларни спорт-чиниқтиришда жисмоний тайёргарликни тарбиялаш, ўқитиш методларини, спортчиларни-спорт мактаби ўқувчиларини тайёрлашни тартибга солувчи меъёрий хужжатларни, педагогика, психология, болалар физиологияси асосларини билиши лозим.

91. Спорт мактаби йўриқчи-услубиётчиси лавозимига қўйидаги малака талаблари киради:

- а) олий ёки ўрта маҳсус жисмоний тарбия маълумоти;
- б) иш стажига талаб қўйилмайди.

§ 28. Жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари йўриқчи-услубиётчиси малака таснифлари

92. Жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари йўриқчи-услубиётчисининг лавозим мажбуриятларига қўйидагилар киради:

а) жисмоний тарбия ва спорт-оммавий ишларни ўтказиши ташкил қиласди, спорт мактабига, секцияга, спорт ва соғломлаштириш йўналишидаги гурӯхларга жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши хоҳловчи ва тиббий тўскىнликлари бўлмаган шахсларни қабул қиласди, шуғулланувчиларга маслаҳатлар беради;

б) спорт-оммавий ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш тадбирларини амалга оширади, спортчилар ва оммавий разрядли ва ҳакамлик тоифасидаги ҳакамларни тайёрлайди, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун моддий-техник базани мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўйича тадбирларни ташкил қилишда қатнашади, жамоатчи йўриқчилар фаолиятига ташкилий-услубий раҳбарликни таъминлайди, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни амалга оширади;

в) ташкилот фаолияти якунларини таҳлил қиласди ва унинг ишини режалаштиришда иштирок этади, жисмоний тарбия ва спорт, соғлом турмуш тарзини ташвиқот қилиши амалга оширади, шуғулланувчиларни тиббий кузатувни амалга ошириш учун соғлиқни сақлаш органлари билан яқин ҳамкорликда ишлайди, илфор иш тажрибасини ўрганади, умумлаштиради ва жорий қиласди, шуғулланувчилар техника хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалий тадбирлар ва назарий машгуллар ўтказади, альпинизм (туризм) бўйича йўриқчи-услубиётчи эса излаш-кутқариш ишларини ўтказиши таъминлайди.

93. Жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари йўриқчи-услубиётчиси қўйидагиларни билиши керак:

а) жисмоний тарбия-соғломлаштириш ишининг назарий асосларини, спорт ва оммавий жисмоний тарбиявий тадбирларни ташкил қилиш ва ўтказиши методикасини;

б) тиббий назорат асосларини, врачлик ёрдами кўрсатилгунгача тиббий ёрдам бериш қоидаларини, шуғулланувчиларнинг физиологик хусусиятларини;

в) спорт иншоотлари, қурилмалари ва техникасини ишлатиш, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси қоидаларини.

94. Жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари йўриқчи-услубиётчиси лавозимига қўйидаги малака талаблари қўйилади:

- а) олий ёки ўрта махсус жисмоний тарбия маълумоти;
- б) жисмоний тарбия-спорт ташкилотларида З йилдан кам бўлмаган иш стажи.

§ 29. Бош (катта) тренер лавозимининг малака таснифлари

95. Бош (катта) тренернинг лавозим мажбуриятларига қўйидагилар киради:
- а) жамоанинг республика ва халқаро мусобақаларда қатнашиш учун тайёрланниши ва қатнашишини таъминлайди, жамоа таркибини шакллантиради;
 - б) жамоа тренерлари ва бошқа мутахассислар билан бирга жамоани тайёрлаш мажмуавий дастурлари ва жорий режаларни ишлаб чиқади ва уларнинг бажарилишини таъминлайди, тасдиқланган режалар ва илмий-методик талабларга биноан спортчилар тайёрлаш индивидуал режаларни шакллантириш ва бажаришни назорат қиласди, жамоа спортчилари билан ўқув-чиниқтириш ва тарбиявий ишларни ўтказади;
 - в) тренерлар ва жамоанинг бошқа мутахассислари ишига раҳбарлик қиласди, маблағларнинг сарфланишини назорат қиласди ва улардан тўғри фойдаланишга жавобгардир;
 - г) спортчилар ва тренерларни моддий рағбатлантириш, хорижда ишлашга йўллаш тўғрисида таклиф беради.

96. Бош (катта) тренер мамлакатда жисмоний тарбия ва спортни ривожланиш йўналишларини ва истиқболини, ватан ва хориж фанининг юқори малакали спортчиларни ва спорт резервларини тайёрлаш методикалари соҳасидаги ютуклари; техника хавфиззилиги қоидаларини, санитария-гигиена нормаларини, меҳнат қонунчилиги асосларини билиши керак.

97. Бош (катта) тренер лавозимининг малака талабларига қўйидагилар киради:
- а) олий жисмоний тарбия маълумоти, спорт бўйича тренер-ўқитувчи олий малака тоифасига эга бўлиши;
 - б) мутахассислик бўйича камидан З йиллик иш стажи.

§ 30. Тренер лавозимининг малака таснифлари

98. Тренернинг лавозим мажбуриятларига қўйидагилар киради:
- а) спортчиларни жисмоний, техник, тактик ва маънавий-иродавий тайёрланишини таъминлайди, истиқболли спортчиларни танлаб олади, жамоага резерв тайёрлаётган мураббийлар ишини назорат қиласди ва уларга амалий ёрдам кўрсатади;
 - б) жамоани мусобақаларга тайёрлаш мажмуавий дастурини ишлаб чиқиша иштирок этади ва ўз ваколати доирасида режани бажарилишини таъминлайди;
 - в) спортчиларни тайёрлаш шахсий режасини ишлаб чиқади ва бажарилишини назорат қиласди, ўқув-машқ йигинларини ўтказади;
 - г) марказлашмаган тайёргарлик вақтида спортчиларни тайёрлашнинг боришини назорат қиласди.

99. Тренер спорт турини ривожлантиришни белгиловчи методик ва норматив хужжатларни; спортчиларни тайёрлаш ва ўқитишнинг замонавий методикаларини; меҳнат қонунчилиги асосларини, спорт турини ривожлантиришнинг миллый ва хорижий тажрибаларини билиши керак.

100. Тренер лавозимининг малака талабларига қўйидагилар киради:

- а) олий ёки ўрта махсус маълумоти.
- б) иш стажига талаб қўйилмайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ҚИММАТЛИ ҚОФОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА
НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУГИ

**21 Акциядорлик жамиятлари акциялари чиқарилувини
давлат рўйхатига олиш ва чиқарилувни бекор қилиш
тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар
киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
20 январда 1159-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 30 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартағи 126-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмиғаси ҳузуридаги Қимматли қофозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази тўғрисидаги низомга асосан **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмиғаси ҳузуридаги Қимматли қофозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан 2002 йил 7 июнда тасдиқланган Акциядорлик жамиятлари акциялари чиқарилувини давлат рўйхатига олиш ва чиқарилувни бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга (2002 йил 10 июль, рўйхат рақами 1159) ўзгартириш ва қўшимчалар иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатига олинган кундан ўн кун ўтгач амалга киритилсин.

**Қимматли қофозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат
қилиш маркази бош директори М. ЮНУСМАТОВ**

Тошкент ш.,
2005 йил 16 декабрь,
2005-17-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

**Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги меъёрий хужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2006 йил 14 январдан 20 январгача бўлган маълумот**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Тиббиёт муассасаларини моддий рафбатлантириш ва ривожлантириш жамармаси маблағларини тасаруф этиш учун тиббиёт муассасаларидаги маҳсус комиссиялар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси *Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий мухофаза қилиши вазирлиги, Молия вазирлигининг 2005 йил 31 декабрдаги 06-3/440, 11/5132, 109-сон қарори.*

2006 йил 14 январда 1536-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 24 январдан кучга киради).

2. «Тиббиёт муассасаларини моддий рафбатлантириш ва ривожлантириш жамармаси тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси *Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий мухофаза қилиши вазирлиги, Молия вазирлигининг 2005 йил 31 декабрдаги 06-3/436, 5083, 107-сон қарори.*

2006 йил 14 январда 1537-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 24 январдан кучга киради).

3. «Тиббиёт муаасасалари раҳбар ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлашда соғлиқни сақлаш муассасаларини турларга ажратиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси *Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий мухофаза қилиши вазирлиги, Молия вазирлигининг 2005 йил 31 декабрдаги 06-3/439, 11/5112, 108-сон қарори.*

2006 йил 14 январда 1538-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 24 январдан кучга киради).

4. «Номоддий активларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси *Молия вазирининг 2005 йил 14 декабрдаги 105-сон буйруғи.*

2006 йил 14 январда 1539-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 24 январдан кучга киради).

5. «Юридик ва жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси худудига олиб кириладиган алоҳида турдаги товарлар учун акциз солиғи тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси *Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2006 йил 4 январдаги 1, 01-02/8-24-сон қарори.*

2006 йил 18 январда 1101-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 28 январдан кучга киради).

6. «Раҳбар ва педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси *Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиши вазирлиги*, Халқ таълими вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2005 йил 30 декабрдаги 106, 43, 01-356-сон қарори.

2006 йил 18 январда 1540-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 28 январдан кучга киради).

7. «Халқ таълими ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси *Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиши вазирлиги*, Халқ таълими вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2005 йил 30 декабрдаги 105, 42, 01-357-сон қарори.

2006 йил 18 январда 1541-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 28 январдан кучга киради).

8. «Акциядорлик жамиятлари акцияларини чиқариш, чиқаришни давлат рўйхатидан ўтказиш ва бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзgartариш ва кўшимчалар киритиши тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги *Кимматли қоғозлар бозори фаолиятини муфовиқлаштириши ва назорат қилиши маркази бош директорининг 2005 йил 16 декабрдаги 2005-17-сон буйргуи*.

2006 йил 20 январда 1159-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 30 январдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизими бошқарув органлари ва ўқув юртларининг раҳбар ва педагог кадрлари аттестацияси тўғрисида низом. Ўзбекистон Республикаси *Халқ таълими вазирлиги*, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги *Давлат тест маркази томонидан тасдиқланган (2004 йил 29 сентябрь, рўйхат рақами 1414)*.

Адлия вазирининг 2006 йил 18 январдаги 10-мҳ-сон буйргуи билан реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжат амалдаги қонунчиликка ўзgartаришлар киритилиши ва янги норматив-хуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

